



1931 йилдан чиқа бошлаган

2001 йил 7 июль, шанба

Баҳоси сотувда эркин нархда

№ 53 (7352)

## ФОЯНИНГ ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Бир неча минг йиллик инсоният тарихи ҳар бир миллат ва жамиятнинг ўзояси, мағкураси бўлиши лозимлигини, уларсиз хеч бир мамлакат, ҳалқ ўз тараққиётига, порлок келажагига эриша олмаслигини исботлаб келмоқда. Шу боис мустақил ривожланиш йўлига тушган ва бу йўлда ўзига хос тамоилиларга эга бўлган давлатимиз — Ўзбекистонда ҳам айнан шундай тараққиёт парвар, инсонпарвар ғояга, мағкурага табии эҳтиёж туғилди. Бу жараённи айниқса ёш авлод таълими, тарбияси билан омухта олиб бориш, уларни чин ватанпарвар, фидоий, ўз мустақил фикрига эга шахс даражасига етказиш сўзсиз юртимиз келажаги кафолати бўлиб хизмат қилиди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоилилар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимиға жорий этиш тўғрисидаги” фармойиши ушбу вазифани кенг кўламда, аниқ мақсад билан амалга оширишимизга асос бўлди.

Шу йилнинг 3 июль куни Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус касбхунар таълими маркази ва улар тасарруфидаги республика ташкilotлари ходимлари иштирокида “Ўзбекистоннинг бугунги ва эртанги куни учун миллий истиқлол ғоясининг аҳамияти” мавзусида семинар ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчisi Т. Рискиев олиб борди.

Йигилишда асосан тугаётган ўкув йилининг иккинчи чорагидан ўқитила бошланган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамоилилар” ўкув фанининг таълим тизимиға жорий этилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама килинди.

Аввало мазкур фан моҳияти, уни ўкув дастурларига киритишдан кўзланган мақсад ва вазифа-


лар Президентимизнинг асарларидағи миллий истиқлол ғояси ҳакидаги фикрлар, тушунчалардан келиб чиқсан ҳолда яна бир бор аниқлаштириб олинди. Уларни биринчи галда бу иш учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар ходимлари чукур англаб етишлари, негаки, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш механизмининг самарали ишлашини таъмин этадиган ҳам, улар эканлиги таъкидланди. Афсуски, бу борада муаммолар бор. Ҳозирда тажрибасинов олиб борилаётган мактаблар, ўрта-маҳсус билим юртлари ҳамда университет, институтларда бевосита ушбу фандан дарс беряётган амалиётчи ўқитувчилар фикрини, таклифларини эшитиш, улардан дастур ва дарслерни яратишда фойдаланиш зарур бўлади. Шундай қилинсаны, ўкувчи талабаларга уларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда нимани, қандай қилиб ўргатиш керак, деган энг муҳим саволларга жавоб топиш мумкинлигига ургу берилди.

Шунингдек семинарда мазкур фан бўйича дарслар кўпроқ ҳаётий мисоллар, кўргазмали воситалар ва ўкувчиларни бирдек фаоллика ундовчи замонавий методларга таяниб олиб бориш каби қатор масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, вазирliklarga ушбу фанни таълим тизимиға жорий этиш самарасини янада оширишга қаратилган маҳсус топшириклар берилди. Бу борада барча вилоятлarda мактаб ўқитувчиларини мазкур фанни ўқитиш бўйича қайта тайёрлаш учун методик семинарлар ўтказиш кўзда тутилди.

Айниқса, мустақиллигимизнинг 10 йиллик тантаналари кунлари барча таълим муассасаларида бўладиган илк сабоқ — “Мустақиллик дарси”ни мазмунли, жонли ташкил этиш, унда ўтган йиллар давомида республикамизда эришилган ютуқларни, ёшларга бўлаётган алоҳида эътиборни амалий мисоллар орқали ўкувчи талабаларга тушунтириш таъкидланди.

А.РАХИМОВ

### СҮНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



#### МАКТУБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳалқаро Кураси үшумасининг Фахрий Президенти Ислом Каримов номига кураси бўйича Африка биринчи чемпионати қатнашчилари ва ташкилотчилари номидан Африка Кураси үшумасининг Президенти Андре Френчдан мактуб келди.

#### МАКТАБ

Чирчикда мамлакатимиз Куролли Кучларининг барча кўшин турлари учун сержант-лар тайёрлайдиган мактаб очилди. Ушбу маҳсус ҳарбий билим масканига муддатли ҳарбий хизматни ўтган, жисмонан бақувват йигитлар танлов асосида қабул қилинади.

#### БУНЁДКОРЛИК

Буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда Навоий шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Яқинда шаҳарнинг “Гулистон” мавзесида 70 миллион сўмдан зиёд маблаг сарфланиб, бунёд этилган 10 та коттежени уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронлар ва кам таъминланган оиласларга беришга қарор қилинди.

## ЮРТИНИ ТАНИТГАН ЎҚУВЧИЛАР



Газетамизнинг ўтган сонида рус тили бўйича Москвада бўлиб ўтган ҳалқaro олимпиадада мамлакатимизнинг 5 нафар ўқувчиси иштирок этиб, улардан 4 нафари олтин ва бир нафари бронза медалини кўлга киритгани ҳақида хабар берган эдик. Кеча Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигида 40 дан зиёд мамлакатдан 260 нафар ўқувчи иштирок этган ушбу беллашувда кучли билими, теран тафаккури, ҳозиржавоблиги ва аҳиллиги билан танилган юртимиз фарзандлари ҳамда уларнинг мураббийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Ҳалқ таълими вазири Р.Жўраев иқтидорли ёшларни кўлга киритган муваффакияти билан кут-

лар экан, бу нафақат ўқувчиларимизнинг ютуғи, колаверса мамлакатимизда олиб борилаётган таълимдаги янгиланишлар самараси низоноси, дея таъкидлади. Чунки мазкур олимпиада голиблари республикамизда бўлиб ўтган фанлар бўйича беллашувларда ҳам энг юқори натижага эришган эди.

Албатта, Белоруссия, Украина ва бошқа давлатлар вакиллари орасида 100 баллик имкониятдан 98—97 балл олишга эришиб, олтин медалларга эгалик қилишнинг ўзи юксак муваффакиятдир. Голибларни йигилганлар муддатидан олдин юртимизнинг нуфузли олийгоҳларига қабул килинганилиги билан ҳам кутлашди.

Мамлакатимизда келаҳжак авлоднинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсон бўлиб вояга етиши, хорижий тилларни ўрганиши учун барча шароит яратилаётганини ўқувчилар таъкидлашди.

Бугунги кунда минглаб қобилиятили йигит-қиз янгича таълим тизими бўйича билим олиб, катта хаётга қадам ташлай бошлагани, истеъодидли ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича нуфузли ҳалқaro олимпиадаларда муваффакият қозонайтгани ҳам бунинг яққол далиллариди.

Украшувда 10-Ҳалқaro олимпиада голибларига фахрий ёрликлар, кимматбаҳо совғалар ва уларнинг ўқитувчиларига “Ҳалқ таълими аълочиси” кўкрак нишони берилди.

МУХБИРИМИЗ

## ИЛК МАГИСТРЛАР ДИПЛОМ ОЛДИЛАР

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимиз олий ўкув юртлари олдига масъулиятли ва шарафли вазифалар кўйилган. Ишлаб чиқариш корхоналари ва жамиятнинг барча бўғинига етук, мамлакати кадрлар тайёрлаб бериш билан бирга узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичлари ҳисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касбхунар таълими учун ўқитувчи, муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш олий таълим зиммасига юклатилган. Айниқса, ушбу таълим муассасаларини магистр даражасига ёга ўқитувчilar билан таъминлаш орқали таълим сифати ва самарадорликни ошириш асосий вазифалардан бириди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 10

йиллиги арафасида дастлабки магистрлар ўқиши тутгатдилар. Куни кечаси, 6 июль куни юртимиздаги 25 та олий ўкув юртида магистратура ўқишини тамомлаган 1888 нафар ёшларга магистр дипломлари ва кўкрак нишонларини топшириш маросимлари бўлиб ўтди. Биринчи маротаба бўлаётган ушбу маросимлар тантанага, ўзига хос байрамга айланни кетди. Кутловларни қабул қилган магистрлар уларни Ватан кутаётганини англашди.

Мухбирларимиз бир неча олий ўкув юртида бўлиб, ушбу тантаналарда иштирок этишди. Газетамизнинг кейинги сонида бу ҳақда батафсил ҳикоя қиласиз.

Х.НИШОННОВ

**Дарслер**  
хәётий,  
қизиқарли  
бўлсин

3-бет

**Mehmonxona**  
«Канглум —  
соғинчлар-а сув  
тутган ташна»

5-бет

**«Алномишнинг  
қайтиши»**  
14-бет



## ФИЗИКА ВА МАЪНАВИЯТ

Ёш авлодни миллий гоя асосида маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, умумтаълим мактабларида ўқитилаётган физика дарсларининг нечоғлик қизиқарли ўтилишига ҳам боғлиқдир. Амалдаги дастурда бу ҳақда қисман мавзуларга ўрин берилган бўлса-да, аммо дарсларнида ута кам ёритилган.

Кейнинг пайтларда "Маърифат" газетасининг кўпгина сонларида мутафаккирларимиз изходидан фойдаланишга оид яхши мақолалар берилб ғорилмоқда. Бизлар улардан тўғри фойдаланган ҳолда айрим мавзуларни ўтища Республикаиздаги мустақиллик даврида кўлга киритилган ютуқлардан ҳам фойдаланиб бормоқдамиз. 7-синфда "Иссиқлик манбалари" мавзусини ўтаётганда Республикаиздаги Шўртан ва Муборакда газни қайта ишлайдиган заводларнинг ишлаб турганлиги, Ангрен, Шарғун ва Бойсундан кўмир қазиб олаётганимиз, 1998 йилга келиб Ватанимиз ўзини-ўзи нефть маҳсулотлари билан таъминлаб, ҳатто, 912 минн тонна нефт экспорт қилгани айтилади.

7-синфда "Электростанциялар" мавзусида бугунги кунда республикамизда 37 та электростанция (2000 йил) ишлаб тургани, улар йилига 55 миллиард киловатт-соат энергия хосил қилиш имкониятига эга эканлигини тушунишиш мақсадга мувофиқ, деб биламиш.

Амалдаги дастурниң "Текис ўзгарувчан ҳаракатдаги тезланиш" ва ҳозирги 10-синфда "Иссиқлик двига-

### Amaliy mashg'ulotlar

теплари ва уларнинг Ф.И.К. мавзуларини қуидаги тест саволлари орқали тушунирилса, ўкувчиларнинг маънавий етуклигини оширишига хизмат қилган бўларди.

1. "Нексия" ва "Тико" автомобиллари тезлекларини нулдан 100 км/соатгача ошириш учун мос равишида 12,2 с ҳамда 24,5 с вақт сарфлаган. Уларнинг тезланишларининг нисбати қандай?

а/ "Тико"ники 2 марта кўп.

в/ "Нексия"ники 2 марта кўп

с/ "Тико"ники 4 марта кўп

д/ 1

е/ "Нексия"ники 4 марта кўп

2. "Тико" автомобили 40 от кучи (30 квт) қувват ҳосил қиласи ва шу қувватда соатига ўртacha 3 кг бензин сарфлайди. Двигателнинг фойдали иш коэффицентини топинг.

а) 60 % в) 65 % с) 78 % д) 85 %

е) 40 %

3. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган 35,9 юк автомобилнинг солиштирима ёнилги сарфи 165 г/квт.с. Бу автомобиль 3,3 кг ёқилги сарфлаганда қанча иш бажарилади?

а) 30 КЖ в) 40 КЖ с) 50 КЖ д) 20

КЖ е) 20 КЖ

4. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган 80,12 юк автомобилнинг куввати 115 от кучи (84,6 квт.) Бу автомобиль соатига қанча иш бажаради?

а) 305 МЖ в) 400 МЖ с) 350 МЖ

д) 250 МЖ е) 250 МЖ

ТЕСТЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ: 1 (а), 2 (с), 3 (д), 4 (а).

Шунга ўхаш масала ва тестларни тузиш ва ечиш орқали ўкувчиларнинг билим савиясини ошириш, республикамиз келажагининг порлоқлигига ишонтириш ва уларни мустақиллик даврида мамлакатимизда кўлга киритилган ютуқлар билан таништириб бориши мумкин. Ҳар бир дарсни маъалмий манбалардан фойдаланган ҳолда ўтиш дарс самараорлигини оширади ва ўкувчининг онгига муҳрланиб қолади.

Махаматилла ЖУМАНОВ,  
Кашқадарё вилояти Дехқонбод туманидаги 77-мактаб физика фани ўқитувчisi

ДТМ маълумотларига қараганда, республикаиздаги физика фанини ўқитиши бошқа фанларга нисбатан оқсаяпти. Физика фанини чуқур ўқитиши учун қандай омилларга тайноқ лозим. Оқаш сабабларини қай тарзда аниқлаш мумкин? Амалиётга жорий қилинаётган дастур ва дарсларни битираётган ёшларда ўқитувчилар касбига иштиёқ ўйфотиши мутамосига ҳамда синфларда 36-40 нафар ўкувчи ўқиётганлиги боисидан уларга физик тушунчаларни тўла етказиш қийин бўлаётганлигига ҳам тўхтади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигига олимлар, методистлар, амалиётчи ўқитувчилар иштирокида давра столи шаклида ташкил этилган амалий мулокотда ана шу каби масалалар хусусида сўз юритилди. Уни ХТВ умумий ишлар бошқармаси бошлиғи Зиёвуддин Жалолиддинов бошқариб борди. Бошқарма бошлиғин таъкидлашича, умумтаълим фанлари республика олимпиадасида физика фанидан қаторасига беш йилдан бўён фақат 5 нафаргина ўкувчи совриндор

лашга эътиборни қаратиш ҳамда мактабларни мето-дик жиҳатдан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ доценти Азизжон Юсупов лаборатория ишларини ўкув йили охирида кўллаш тажрибаси ва унинг самараорлиги хусусида гапирди. Шунингдек, у институтларни битираётган ёшларда ўқитувчilik касбига иштиёқ ўйфотиши мутамосига ҳамда синфларда 36-40 нафар ўкувчи ўқиётганлиги боисидан уларга физик тушунчаларни тўла етказиш қийин бўлаётганлигига ҳам тўхтади.

— Жойларда ўғил-қизларга физикадан фақат назарий билим беришга одатланиб қолишаюпти, — деди Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 27-мактабнинг физика фани ўқитувчиси О.Қодиров. — Бунинг турли хил сабаблари билан мактабларда ўқитувчиларни таҳлил килдим, — деди профессор Э.Турдиқулов. — Ўкувчилар белгиланган тушунчаларни 40 фоиздан 80 фоизгача ўзлаштиришган. Мустақил фикрлашашлари унчалик эмас. Олий ўкув юртлари билан мактаблар орасида боғланишлар йўқ, алоқалар йўлга қўйилмаган. Ўкувчиларнинг дарсларни кабул қилиши қийин кечаяпти. Чунки унда ҳаётий масалаларга кенг ўрин берилмаган. Аслида дарсларнинг 50 фоизи назария, 39 фоизи лаборатория иши, кўргазма ва тажриба, 11 фоизи расм, ўкув плакатлари, диафильмлар асосида бўлса, тушунчалар тез англаради. Хуллас, физика дарсларни қизиқарли, ҳаётий мисоллар воситасида ёзилса, у ўкувчининг севимли фанига айланади.

### Ochiq muloqot

боисидан лаборатория ишини бажаришга, масалаларни ишлашга вақт етмай қолмоқда. Компьютерда имтиҳонларни олишга ҳам жуда кам вақт ажратилган. Умуман, мутаммолар бирбири билан боғланиб, ўқитувчичи чалғитаяпти, толиқтираяпти.

— Ўкув йили мобайнida Янгиёл, Зангига туманларидаги қатор мактабларда бўлиб, физика-математика фанлари ўқитилишини таҳлил килдим, — деди профессор Э.Турдиқулов. — Ўкувчилар белгиланган тушунчаларни 40 фоиздан 80 фоизгача ўзлаштиришган. Мустақил фикрлашашлари унчалик эмас. Олий ўкув юртлари билан мактаблар орасида боғланишлар йўқ, алоқалар йўлга қўйилмаган. Ўкувчиларнинг дарсларни кабул қилиши қийин кечаяпти. Чунки унда ҳаётий масалаларга кенг ўрин берилмаган. Аслида дарсларнинг 50 фоизи назария, 39 фоизи лаборатория иши, кўргазма ва тажриба, 11 фоизи расм, ўкув плакатлари, диафильмлар асосида бўлса, тушунчалар тез англаради. Хуллас, физика дарсларни қизиқарли, ҳаётий мисоллар воситасида ёзилса, у ўкувчининг севимли фанига айланади.

## "ФИЗИКАНИНГ БУГУНГИ МУАММОЛАРИ"

(“Маърифат”, 2001 йил 2 июнь)

“Маърифат” газетасининг 2001 йил 2 июнь сонидаги профессор К.Турсинметов, М.Нишонова ва Ш.Аҳмедовларнинг “Физиканинг бугунги мутаммолари” мавзуидаги чиқишилари айни ўз вақтида ёзилган мақоладир. Ҳақиқатан ҳам физика фанини ўрганиши мактабларимизда пасайиб бормоқда. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Ўкувчилар физика фанини яхши ўзлаштирасдан олий ўкув юртларига, жумладан, тибиёт олийгоҳларига, химик, биолог каби мутахассисларга кириб ўқимоқдалар. Энг ёмони, республикамизда нашр қилинаётган “Ахборотнома”-ларда физика фани бўйича тест саволлари берилмаган, шу сабабли у фан бўйича саёз билимга эга врач, агроном, химик, биолог кадрлар тайёрланмоқда. Физика фани бўйича тест саволларини тибиёт, қишлоқ хўжалиги мутахассисларни тайёрлайдиган олий ўкув юртлари блоклари кўшилишини сўраб ҳукуматимизга ҳам бир неча бор хат ҳам йўллаган эдик. Чунончи, физика фани техник йўналишдаги мутахассислар, тибиёт ходимлари, агрономлар учун энг асосий фан бўлиши керак. Кела жакда ҳам физика фани фан ва техниканинг устаси ҳисобланган кадрларни тайёрлашда энг нуфузли фан бўлиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Хатимиз Тест марказига юборилди, Тест маркази эса Давлат тест маркази комиссиясига юборди, лекин ҳалигача жавоб олганим йўқ.

Шу йили 17 марта куни Давлат тест маркази раиси М.Мухитдинов Нукус

### Aks sado

шахрига келди. Учрашувда барча ўкув муассасалари раҳбарлари қатнашилар. Мен у кишига куйидаги 2 та савол билан мурожаат қилдим:

1. Тибиёт ходимлари, агроном, биолог, химик ва яна бошқа мутахассисларни тайёрлашда физика фани бўйича тест саволлари киритилмаётгани саводсиз мутахассисларни тайёрлашга йўл очиб бермаяптими?

2. Мактабларда аниқ фанлар чукур ўрганилмасдан, гуманитар фанларга кизиқиши кучли, аниқ фанлар иккичи даражали бўлиб қолмоқда. Агар аниқ фанларни яхши эгалламасдан туриб, у қандай кучли мутахассис бўлиб етиша олади?

Саволларимга оғзаки жавоб олдим, холос... Ўн беш йил мобайнida Хиндиистон давлати 3 миллиард долларга компьютер программаларини сотганлигини матбуотда ўқиганимиз. Бизда эса компьютерлар қимматбахоли ўйинчоқ бўлиб қолмоқда. 1998 йилги “Ахборотнома”да ўкувчиларнинг физикадан олган билимлари паст даражада эканлиги кўрсатилган. Бунинг сабаби эса юқоридаги мутахассисларда физика фанидан тест саволлари йўқлигидадир. Хулоса шуки, компьютер дастурларини тизиши, янги материалилар, янги технологияларни ўйлаб топиш учун эса физика фанини ривожлантириш керак.

Ҳозирги вақтда эса мактаб ўкувчилари тибиёт соҳаси бўйича химик, биолог каби мутахассисларни эгалламоқчи, аммо улар 9-синфдан бошлаб физикани ўқишмайди, 11-синф ўкувчиларининг кўпиниз тибиёт институтига кирамиз, деб физика фанини тан олишмайди. Сабаби, олий ўкув юртига кириш учун физика фанидан тест саволлари топширишмайди. Энди улар сифатсиз, факат дипломли мутахассис бўлиб чишишмайдими?

О.КАМОЛОВ, Нукус шахридаги 22-ўрта мактаб директори, техника фанлари номзоди, А.ҚУАТОВ, шу мактабнинг физика ва математика фани метод бирлашмаси бошлиғи

## ДАРСЛИКЛАР ҲАЁТИЙ, ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлигидаги ўтказилган давра сұхбатида ана шу фикрга алоҳида ургу берилди

бўлди. Институтларга киришга имтиёз берувчи 10 ўрин эса бўш қолди. Физика фани бўйича ДТМ таҳлиллари ҳам кишини 180-мактаб ўқитувчиси В.Мочениналар эса амалдаги дастур ҳар хил тушунчалар билан тўлиб кетганини, бу йил РТМ томонидан тайёрланган имтиҳон материаларида 20 га яқин хато учраганини баён этишиб, унинг им масканларидаги натижаларига салбий таъсир кўрсаткичи 31,36 дан ошмаяпти. Хўш, бу бордаги муаммони қандай ҳол этиш мумкин?

Муаммоларга муносабат билдириши профессор Даврон Шодиев бошлаб берди.

— Менимча, мутаммоларни ҳал қилишнинг бир неча йўллари бор, — деди у. — Етилган муаммолар ҳам кам эмас. Ҳозир физика дарсларидаги масала ечишига ўтиш ёкириб чиқилса ва тузатилса, дарсларни қизиқарли, ҳаётий машгулотларда ўқитувчиларни икки гуруга бўлиб ўқитиш, ўқитувчи меҳнатини баҳолаш мезонини аниқлаштириш, дарсларни ДТСга яқинлаштириш каби таклифларни билдирилар. Таъкидлаш жоизки, у ерда ҳар бир муаммо таҳлилга тортилди, хулосалар чиқарилди. Муҳими, даврада физика фани бўйича дастур, дарсларни яратувчи мактаб ташкил этиши маълумати кўрсатилади.

— Ҳақиқатан ҳам дастурни тузишда ўзбошимчалик бўлган, — деди педагогика фанлари доктори, профессор Б.Мирзаҳмадов. — Энди олимлар, методистлар, ўқитувчилар бошини қовуштириш ва мактаб дастурини тузиб бериш керак. Агарки, бу ишга ҳозир кири









**Абдулла Қодирий номидаги Жиззах**  
**Давлат педагогика институти вилоят-да алоҳида нуфузга эга бўлган таълим даргоҳларидан ҳисобланади. Ушбу қўш саҳифамиз институтнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қиласди.**

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти Жиззах воҳасининг тўнгич олий ўкув юртларидан бири бўлиб, ҳозир унда вилоятнинг турли ҳудудларидан келган 3000 дан ошик талабалар таҳсил олишмоқда. Қишлоқ ёшлари нинг илмга чанқоқлигини бу олий даргоҳда доим учратиш мумкин. Уларга давлатимиз томонидан етарли шароитлар яратилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Институт талабалари ўкув жараённада ўз мутахассисликлари бўйича билим олишади. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигини сақлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш шароитида ҳар томонлама етук, давр талабларига тўла жавоб бера оладиган, шу билан бир каторда, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий, сиёсий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, Ватанга, эл-юрга садоқатли етук инсонлар бўлишга интилиб келишмоқда.

Айниска, институт жамоаси томонидан Миллий истиқлол гоясини талабалар онгига етказиш учун кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Миллий истиқлол мафкураси ва мумтоз тарбиянинг айрим муаммолари", "Соҳибқирон Амир Темур давлати мафкураси", "Миллий гоя ва миллий мафкура — келажак йўли", "Миллий мафкура — истиқлол та-

## МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ЙЎЛИДА

Буюк давлатимизнинг сиёсий мустақиллиги ва иқтисодий тараққиётида талаба ёшларни сиёсий-хукукий, ахлоқий жиҳатдан баркамол, етук шахс этиб шакллантириш катта аҳамият касб этади. Институт профессор-ўқитувчилари жамият, давлат аҳамиятига молик бўлган миллий мафкуранинг моҳияти, мазмuni ва кирраларини ёшлар онгига етарли даражада етказиш учун астойдил меҳнат килишмоқда.

Юртошимиз Ўзбекистон истиқололининг дастлабки кунлариданоқ кўплаб асарлари, маърузалари ва рисолаларида миллий гоя, миллий мафкура масалаларининг фалсафий-мантиқий моҳиятини ёритиб келмоқда. Миллий истиқлол мафкураси мазмунини ташкил этувчи гоялар мажмуаси ва миллий истиқлол мафкураси тамоилилларини талабалар онгига етказиш, уларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, бой маданий месросимиз, тарихий анъаналяримиз, умуминсоний қадриятларга хурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга институт раҳбарияти катта эътибор бериб келмоқда. Бу борода институтда маънавий-маърифий бўлим, касаба уюшмаси, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар, талабалар кенгашлари, "Камолот" ёшлар ҳаракати, "Муло-

янчи", "Миллий мафкура ва маслак нима?", "Миллий мафкура — келажак пойдевори", "Жамиятимиз мафкураси ва истиқлол гояси", "Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоилиллар", "Маънавият, маърифат, мафкура ва тарбия", "Миллий гоя ва мафкура тушунчаларининг мазмунни ва моҳияти", "Мафкуравий муаммолар: гоявий бўшлик ва зарарли гояларнинг жамиятимизга таъсири" мавзуларида илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар ва давра сұхбатлари ташкил килинган.

Ҳозирги даврнинг энг долзарб мавзуларидан бири, талаба ёшларнинг дарсдан ташқари бўш пайтларидан унумли фойдаланишлари учун институт жамоаси томонидан бадиий, фан ва спорт тўғараклари ташкил килинган. Ҳозирги кунда 50 дан ортиқ фан, бадиий ва спорт тўғаракларига 2000 нафарга яқин талаба жалб қилинган. Бундан ташқари, институт Маданият саройида талабалар томонидан кўрик-танловлар, концертлар, спектаклар кўйиб келинмоқда.

Институтда талабаларнинг "Истебод" театри, мақомчилар дастаси, эстрада ғурухлари фаолият кўрсатмоқда.

**Ш.МАРДОНОВ,**  
**Маънавий-маърифий ишлар**  
**бўйича институт**  
**ректорининг биринчи**  
**муовини**

## O'zbekiston Respublikasi



Ҳисобга олиб, институтда "Тарих, давлат ва ҳуққ асослари", "География-иктисод", "Кимёбиология" ва "Хорижий тиллар" каби қатор янги мутахассисликлар очилди, таълимнинг сиртқи бўлими янгидан ташкил этилди. Бугунги кунда 16 та мутахассислик бўйича педагогик кадрлар тайёрланмоқда.

Республикамизнинг, жумладан Жиззах вилоятининг кўп миллатли эканлиги ҳамда таълим муассасаларининг талаб-истакларини қондириш мақсадида "Математика-информатика" ва "Бошлангич таълим услуги" мутахассисликлари бўйича қозоқ гурухлари очилди. Ҳозирда қозоқ бўлимида 100 дан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Янги ўкув йилидан бошлаб "Геометрия ва чизмачилик" ҳамда "Мак-

ва амалиётга кенг татбиқ этиш чораларини кўрмоқдалар.

Жиззах Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг илмий тадқиқот ишлари, асосан, қуидаги йўналиш ва шаклларда олиб борилаётганлигини кузатиш мумкин: а) "Таълим тўғрисида" ги ва "Кадрлар тайёрлаш милий дастури" тўғрисидаги қонунларни бевосита ҳаётга ва таълим-тарбия жараёнга татбиқ этишга қаратилган тадбир ва изланишлар; б) институт профессор-ўқитувчиларининг аник илмий-услубий мавзуулари ва мутахассисликлари бўйича олиб бораётган тадқиқотлари; в) талабаларнинг илмий-интеллектуал имкониятларини ва илмий ишларга бўлган қобилиятларини ўстириш ва уларни самара-

## МИЛЛИЙ ДАСТУР

ли йўналишларга бошқариш ҳамда иқтидорли ва ижодкор ёшларнинг илмий изланишлари натижаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида иш олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда институт профессор-ўқитувчиларининг Республика ва вилоятлардаги илмий муассасалар билан, хусусан, янги ташкил олига оширилмоқда.

Иккинчи мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳловчилар бўйича қабул йўлга кўйилганлиги ҳам миллий дастур талабларига асосан амалга оширилмоқда.

Миллий дастурнинг улкан ижтимоий-сиёсий аҳамияти энг аввало шундаки, у таълимнинг узлуксизлигини таъминлаши билан бирга, мамлакатимиздаги барча илм-маърифат масканлари фаолиятини тўла қамраб олади ва уни ягона мақсад сари йўналтириди. Натижада, таълим-тарбия тизимидағи узилиш ва тарқоқлик барҳам топади ва олий малакали етук мутахассис кадрлар тайёрлаш мустакил давлатимиз тараққиётининг асосий бир омилига айланади. Вилоят шаҳар ва туманларидаги мактаблар ва лицензияларнинг малакали мутахассис кадрларга бўлган талаб ва маънавий эҳтиёжларини

табгача таълим" мутахассисликлари бўлими очиш режалаштирилган.

Иккиси мутахассислик бўйича таълим олишни хоҳловчилар бўйича қабул йўлга кўйилганлиги ҳам миллий дастур талабларига асосан амалга оширилмоқда.

Давр талабидан келиб чиқиб, педагогика институтлари профессор-ўқитувчилари ўзларининг илмий тадқиқот мавзууларининг янада самаралироқ бўлиши, ҳозирги бозор иқтисоди шароитларини ҳамда буғунги ўшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўз илмий ишларини ташкил этиш ва уларни ўкув жараённи

нижомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Т.Н.Кори-Ниёзий номли педагогика илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли "Кибернетика" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва математика институтлари билан ҳамкорлик қилиш учун шартномалар тузган. Келажакда хорижий давлатларнинг турдо институтлари билан ҳамкорлик шартномалари тузиш режамиз бор.

Талабаларда амалий кўниқмаларни ҳосил қилиш

математика-физика факультетимиз институт билан тенгдош факультетлардан бири бўлиб, 1974 йилдан бери ҳалқ таълимимга кўплаб кадрлар етказиб бермоқда. Бу кадрлар нафакат Жиззах воҳасида, балки бутун Республика илмий тадқиқот мавзууларининг янада самаралироқ бўлиши, ҳозирги бозор иқтисоди шароитларини ҳамда буғунги ўшларимизнинг маънавий эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда ўз илмий ишларини ташкил этиш ва уларни ўкув жараённи

## МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ХТ", "Умумий физика", "Электро-радио техника ва ўқитишнинг техник воситаси", "Математика ўқитиш услуги" каби кафедралар фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур кафедраларда 40 га яқин тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар 250 дан ортиқ талабаларга илим сирларини ўргатиб келмоқда. 24 нафар фан номзоди ва доцентлар, бир нафар профессор, 15 кишидан иборат ўқитувчи-ассистентлар талабаларга пухта билим бериси билан бирга, илмий соҳаларда ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда факультетимиз профессор-ўқитувчилари ўз касбий маҳоратини ошириш учун М.Улуғбек номидаги Миллий университет,

мақсадида ҳар бир кафедра Жиззах шаҳридаги таънич мактаб ва академик лицейлар билан педагогик амалиёт ўтказиш учун кафедра филиалларини очишган. Үндан ташқари факультетимизда 6 та компютер хонаси, 2 та физика лаборатория хонаси, 3 та физика-математика ўқитиш услуги лаборатория хонаси, 1 та электро-радио техника хонаси ишлаб туриди.

Холосамиз шуки, факультетимиз институтимизда етук кадрлар тайёрлашда ўз ўрни ва салмоғини сақлаб қолади.

**Н.АЛИМОВ,**  
**факультет декани, профессор,**  
**Ф.ҲАЙТОВ,**  
**факультет декан мувони, доцент**

# mustaqilligining 10 yilligi oldidan

лар учун Давлат таълим стандартлари талабларига ҳамда жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган ўқув дастурлари ва дарслар ҳамда қўлланмалар яратиш фоят долзарб бўлиб турган ҳозирги пайтда профессор-ўқитувчиларимизнинг бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар, услубий рисолалар, тавсиялар ҳамда илмий-услубий ва умумлаштирувчи мақолалар тайёрлаб, уларни амалиётга татбиқ этиш чораларини излаб топаётганилиги эътиборга лойик деб ўйлаймиз. Сўнги 2-3 йил давомида Жиззах Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари томонидан 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 120 га яқин илмий-услубий мақолалар чоп этилди. Педагогика институтларида иқтидорли ва ижодкор ёшлар фаолияти ҳам анча жон-

ҳозирда фаннинг 6 та устувор йўналиши бўйича магистратура очилиши режалаштирилганлиги ҳам ёшларимизнинг илмий-педагогик салоҳиятини тезроқ юзага чиқаришга хизмат қилади. Яқинда институтнинг “Интернет” тармоғи билан боғланганлиги ҳам таълим ва ахборот тизими фаолиятини бойитиш имконини туғдиради. Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан бошланган ва қисқа фурсат ичидагуриб ишга туширилган педагогика институтининг 650 ўринга мўлжалланган “Маънавият ва маърифат” саройида сўнги пайтда мунтазам суратда ўтказилаётган “Соғлом авлод — келажагимиз ворислари”, “Навоий ва ёшларимиз маънавияти”, “Президентимиз асарларини ўрганимиз”, “Миллий мафкура — кудратли куч”, “Инсон хотираси

Талаба-ёшларимизнинг тадбиркорлик йўли билан қўшимча маблағ топишга ўрганаётганиклари, ўқув-моддий техника базасини мустаҳкамлаши билан яна бир жиҳатдан муҳим аҳамиятга моликдир. Яъни, ёшларимиз ҳозирги бозор иқтисодиёти талаблари, хусусан, менежмент ва маркетинг каби замонавий шакл ва усуллари ҳақида зарур билим, тажриба ва кўникмаларга эга бўлишлари уларнинг кейинчалик институтни битириб, ишга борганларида ҳам турмуш қийинчиликлари олдида довдираб қолмасликларида жуда асқотади. Иккинчидан эса, ёшларимизнинг ўқиши ижтимоий меҳнат ва тадбиркорлик билан чамбарчас боғлаб олиб боришлари уларнинг келгусида соғлом, маъна-

# ТАДА БЫЛА РИАСОСИДА

ланганлиги сўнгги йиллардаги муҳим ютуқлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилиши мумкин. Ҳар йилдаги каби бу йил ҳам педагогика институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари республика ва вилоят миқёсидаги ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб илмий-услубий анжуманларда фаол иштирок этганликлари ҳам улар олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларининг кўлами ва шакллари ранг-баранг бўлганлигидан далолат беради. Биргина 2000—2001 ўкув йилида Жиззах Давлат педагогика институтининг илмий даражали профессор-ўқитувчилари сони яна 10 нафарга ортганлиги, яъни 3 фандоктори ва 7 та номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилиниши ҳам миллий дастур талабларига амалий бир жавоб бўлди, дейиш мумкин. Ҳолбуки, собиқ шўро даврида, яъни 80—90-йиллар давомида институтимизда лоақал бир нафар ҳам фан доктори етишиб чиқмаган эди. Ёки бир неча профессор-ўқитувчиларнинг АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Истроил каби ривожланган давлатларда тажриба алмашиб келиши муҳим воқеадир. Шунингдек,

муқаддас” каби тадбирлар ва “Иқбол” ҳамда “Ёшлар мустақил ҳаёт бўсағасида” республика кўрик-танловлари чуқур маънавий-маърифий мазмунга эга бўлмоқда.

Институтда профессор-үқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ҳар томонлама ижтимоий-иктисодий ҳимоя қилиш мақсадида “Зиёкор” ёрдамчи хўжалиги ташкил қилинган. Бу ёрдамчи хўжаликда пахта, фалла каби экинлар экилмоқда. Бунинг натижасида кам таъминланган ходимлар ва талабаларга 1120500 сўмлик пахта мойи, 2714775 сўмлик ун, 119000 сўмлик буғдой, 106220 сўмлик тарвуз, 139900 сўмлик қовун, 62000 сўмлик мош, 46000 сўмлик ошқовоқ, 27000 сўмлик сабзи, 102800 сўмлик пиёз, 32500 сўмлик маккажўхори тарқатилди.

Ундан ташқари институт маданият саройи қошида талабаларнинг “Истеъдод” театр груҳи, эстрада ва мақомчилар груҳи томонидан қўйилаётган театр томошалари ва концертиларидан тушган маблағлар хисо-

вий баркамол инсонлар бўлиб етишишларида ҳаётий бир замин бўлиши билан бирга, ёшларимизнинг турли қонунбузарлик, жамиятимиз учун зарарли бўлган диний ақидапарастлик каби грух ва оқимларнинг таъсири остига тушиб қолишдек нохуш ҳолатларнинг ҳам олдини олишга имкон туғдиради, деб ўйлаймиз.

Ижтимоий-маданий ривожланиш муаммоларини бевосита оқилона меҳнат ва маънавий-мафкуравий тадбирлар билан бирга қўшиб олиб бориш, бизнингча, яна бир жиҳати билан муҳим: бу тадбирлар ёшларимиздаги маънавий-интеллектуал салоҳиятни юзага чиқаришда ва уларга фикр-қарашларини эркин ва ижодий тарзда ифодалашга ҳам имкон туғдирадики, бу ҳам ҳозирги истиклол мафкурасини яратишдекоят масъулиятили ва фахрливазифани ҳал этишда муайян аҳамият касб этиши, шубҳасиздир.

**F.МУҲАМЕДОВ,  
Жиззах Давлат педагогика  
институти ректори,  
профессор**



# ИНСТИТУТ ИЛГОРЛАРИ

**Институтнинг қуидаги талабалари Навоий номидаги Давлат стипендиатлари:**  
**Ёрқиной Назирова,**  
**Одил Баримов,**  
**Жасур Бекмуродов.**

# САХНА — ҲАЁТ ОЙНАСИ

1999 йилда “Нихол” талабалар театр-студияларининг фестивали Мирзо Унгубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети аданият саройида ўтказилганда институтимизнинг “Истеъдод” талабалар театр студияси ҳам “Кулганлар олдишларесин” комедияси билан қатнашиб, томошабиндар олқишига сазовор ўлди. Уларни институтда иштта совға кутаётган эди. Талабалар қайтишгач, уларни институт раҳбарлари янги аданият саройини совға ташкилди. Шу билан биргаликда 3 миллион сўмлик раво ва мусиқа аппаратуруси широрида театр студияси ихтиёрига оширилди. “Нихол—2000” фестивали эса талабаларни нада руҳлантириб, ижодиган қанот бағишлади. “Тўхта ўзун уйланди” деб номланган спектаклимиз фестивал ипломини олди.

Бундан ташқари, 2001 йил кўкламида институтимиз базасида ўтказилган “Ёшлар мустақил ҳаёт бўсағасида” номли республика педагогика олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги кўриктанлов очилиш қисмидаги композицион кўринишдан тортиб фольклор ўйинларигача, концерт дастурларидан тортиб ётоқхонадаги меҳмонлар учун тайёрланган кўнгилочар дастурларгача мана шустудия талаба-ёшлари иштирокида тайёрланди. Яна айтиш мумкинки, бу чиқишлиар меҳмонларда жуда катта таассурот қолдирди. Байрам устига байрам деганларидек, бир вақтнинг ўзида “Хазина—2001” фольклор жамоалари фестивалига таклиф этилдик. Зўр иштиёқ билан тайёргарлик кўраётган жамоани институт ректори F.Муҳамедов яна бир бор хушнуд этиб, уларга 500 минг сўмлик кийим-бош ва сахна анжомини такдим этди ва ишонч юксак даражада оғниб, студия талабалари фестивалнинг “Энг яхши ахлат учун” номинацияси бўйи берилган дипломи ва сочини олиб қайтдилар. Холбоев А.Шарипов, А.Холбоев, Юсупов, И.Насриддинова, Хайитбоева ва бошқа ижод қилиб, томошабиндар олқишини олишмокда. Кажда қиласиган ишларни мўл. Максадимиз мустақилигимиз қаҳрамонлари разларини саҳнада ярашада уларни кенг томошабиндар оммасига ҳавола қиладир. Бундай савобли иштадир. Театр-студия талабаларини меҳнат ва ижодларига аямайдилар.

, 2001 йил  
тимиз ба-  
н “Ёшлар  
сафасида”  
педагоги-  
лари тала-  
ги кўрик-  
исмидаги  
ринишдан  
ўйинлари-  
турларидан  
ти меҳмон-  
тан кўнгил-  
а мана шу  
нари ишти-  
и. Яна ай-  
чиқишлиар  
а катта та-  
и. Байрам  
анларидек,  
“Хазина—  
камоалари  
ф этилдик.  
тайёргар-  
моани инс-  
Лухамедов  
нуд этиб,  
сўмлик ки-

йим-бош ва саҳна анжомла-  
рини тақдим этди ва бу  
ишонч юксак даражада оқла-  
ниб, студия талабалари фес-  
тивалнинг “Энг яхши асар  
учун” номинацияси бўйича  
берилган дипломи ва совға-  
сини олиб қайтдилар. Хозир  
театр-студияда иқтидорли  
талаба ва ўқитувчилардан  
А.Шарипов, А.Холбоев, Д.  
Юсупов, И.Насриддинова, Б.  
Хайитбоева ва бошқалар  
ижод қилиб, томошабинлар  
олқишини олишмокда. Кела-  
жакда қиласиган ишларимиз  
мўл. Мақсадимиз мустақил-  
лигимиз қаҳрамонлари об-  
разларини саҳнада яратиш  
ва уларни кенг томошабин-  
лар оммасига ҳавола қилиш-  
дир. Бундай савобли ишда  
театр-студия талабалари ўз  
меҳнат ва ижодларини  
аямайдилар.

# **ИНСТИТУТНИНГ СОВРИНДОР ЎҚИТУВЧИЛАРИ**

“Ўзбек адабиёти” кафедраси профессори Жўраев Олимжон —  
Халқаро Яссавий мукофоти соҳиби. 1998 йил.

**Биология кафедраси катта  
ўқитувчиси, биология фанлари  
номзоди Сайёра Муродова – 2000  
йилги Зулфия номидаги Давлат  
мукофоти сохибаси (суратда).**

Иқтисодий информатика ва менеджмент асослари кафедраси мудири, доцент Эркин Фаниев – “Устоз” гранти совриндори. 2000 йил Францияда тажриба алмашиб келди.

Иқтисод назарияси ва социология кафедраси мудири, филология факултии номзоди Мўминхон Ҳошимхонов – Машраб номидаги мукофот совриндори, 2001 йилда ўтказилган “Энг яхши воиз (лектор)” кўрик-танлови ғолиби.



# **ИКТИДОРЛИ БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР**

Институт қошидаги “Иқтидорли болалар” лицейи бир неча йилдан бери самарадың фаолият күрсатмоқда. Лицейде математика, физика, инглиз тили, тарих, биология фанлари чукурлаштириб ўргатилади. 2001 йилги фан олимпиадалари якуни бўйича лицей ўкувчилари вилоятда иккинчи ўринни эгалладилар. Лицейда педагогика институтининг етук профессор-ўқитувчиларидан 2 нафар профессор, 7 нафар доцент ва 11 нафар олий тоифали ўқитувчилар дарс беришади.

**Битирувчи синф ўкувчиларининг 70-80 фоизи республикамизнинг турли олий ўкув юртларига тест синовларидан юқори балл тўплаб, ўқишга қабул қилинмоқдалар. Лицейнинг инглиз тили бўлими ўкувчиси Дилфуза Ражабова жиддий синовлардан муваффакиятли ўтиб, 2001 йилги Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси бўлди. Дилфузадан 1997-2001 йиллар мобайнида туман, шаҳар, вилоят фан олимпиадаларида инглиз тили бўйича қатнашиб, доимо биринчи ўринни эгаллаб келган.**

**Вилоят иқтидорли ўқувчиларининг “Умид” лицейи ҳам “Ўзбек адабиёти” кафедрасининг бир филиали бўлиб ҳисобланади. Бу лицейда профессор Ҳ.Жўраев, доцентлардан М.Каримов, У.Қосимов каби тажрибали олимлар дарс бериш билан бирга, ўқув-услубий кўлланма ва рисолалари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.**

## **И.ИКРОМОВ,**

# САХНА — ХАЁТ ОЙНАСИ

Бундан ташқари, 2001 йил кўкламида институтимиз ба-  
засида ўтказилган “Ёшлар  
мустақил ҳаёт бўсағасида”  
номли республика педагоги-  
ка олий ўкув юртлари тала-  
балари ўртасидаги кўрик-  
танлов очилиш қисмидаги  
композицион кўринишдан  
тортиб фольклор ўйинлари-  
гача, концерт дастурларидан  
тортиб ётоказонадаги меҳмон-  
лар учун тайёрланган кўнгил-  
очар дастурларгача мана шу  
студия талаба-ёшлари ишти-  
роқида тайёрланди. Яна ай-  
тиш мумкинки, бу чиқишлиар  
меҳмонларда жуда катта та-  
ассурот қолдирди. Байрам  
устига байрам деганлариdek,  
бир вақтнинг ўзида “Хазина—  
2001” фольклор жамоалари  
фестивалига таклиф этилдик.  
Зўр иштиёқ билан тайёргар-  
лик кўраётган жамоани инс-  
тиут ректори F.Мухамедов  
яна бир бор хушнуд этиб,  
уларга 500 минг сўмлик ки-

йим-бош ва саҳна анжомларини тақдим этди ва бу ишонч юксак даражада оқланыб, студия талабалари фестивалнинг “Энг яхши асар учун” номинацияси бўйича берилган дипломи ва совғасини олиб қайтдилар. Ҳозир театр-студияда иқтидорли талаба ва ўқитувчилардан А.Шарипов, А.Холбоев, Д.Юсупов, И.Насридинова, Б.Ҳайитбоева ва бошқалар ижод қилиб, томошабинлар олқишини олишмокда. Келажакда қиласиган ишларимиз мўл. Мақсадимиз мустақиллигимиз қаҳрамонлари образларини саҳнада яратиш ва уларни кенг томошабинлар оммасига ҳавола қилишдир. Бундай савобли ишда театр-студия талабалари ўз меҳнат ва ижодларини аямайдилар.

**Г.ХУДОЙНАЗАРОВ,  
“Истеъдод” талабалар театр  
студияси бадиий раҳбари**

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТЕСТ ЯКУНЛАРИ

Наманган вилоятида 3 та олий, 10 та ўрта маҳсус билим юртлари мавжуд бўлиб, ҳар йили кўплаб абитуриентлар ўқиш истагини билдиради. 2000 йилда 2871 абитуриент имтихонларда мувфақият қозониб, ўқишга қабул қилинган. Улардан 1610 нафар абитуриент ўрта маҳсус таълим ўкув юртларига қабул қилинган.

Ўзбек гурӯхлари тест имтихонидаги жавоблар самарадорлиги 1998 йилда 37.97 фоиз бўлиб, 10-уринга, 1999 йилда 34.98 фоиз бўлиб, 8-уринга ва 2000 йилда 31.56 фоиз бўлиб, 1-2 - ўринга тўғри келган.

## DTM tahlili

тестда иштирок этган абитуриентлар

контингентига нисбатан самарадорлик 32.01 фоиз бўлиб, 13-уринга тўғри келган. Кўриниб турибдики, вилоят бу соҳада охирги ўрингларда турди.

Ўзбек гурӯхи абитуриентларининг тестдаги жавоблар самарадорлиги 1999 йилга таққослаб ўрганилганда 6 та фандан (ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, кимё, тарих, география) пасайиш, фақат 2 та фандан (немис ва француз тилларида) ўсиш кузатилган. Вилоят физика ва тарихдан 3 погона пасайган. Бу таълимга эътибор сусайланлиги, ўқитишда камчиликка йўл қўйилганини кўрсатади. Вилоят бўйича маълумот қўйидаги жадвалда келтирилган (**ўзбек гурӯхлари**):

Фан номи	1999		2000		
	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин	
Ўзбек тили ва адабиёти	31.49	9	27.98	10	Камайган
Математика	34.09	9	32.96	11	Камайган
Физика	28.77	9	26.89	12	Камайган
Биология	39.56	7	34.72	7	Ўзгармаган
Кимё	38.99	5	33.57	6	Камайган
Тарих	37.9	11	30.33	14	Камайган
География	42.78	10	39.49	11	Камайган
Инглиз тили	35.89	12	32.48	12	Ўзгармаган
Немис тили	28.61	9	28.15	8	Ўсган
Француз тили	30.27	10	29.07	9	Ўсган

Рус гурӯхи абитуриентларининг тестдаги жавоблар самарадорлиги 1999 йилга таққослаб ўрганилганда 3 та фандан ўсиш(математика, физика, француз тили) ва 3 та фандан пасайиш кузатилган. Рус гурӯхлари абитуриентларининг натижалари қўйидаги жадвалда келтирилган (**рус гурӯхлари**):

Рус тили ва адабиёти	40.03	13	36.50	13	Ўзгармаган
Математика	34.29	12	35.02	11	Ўсган
Физика	24.58	13	26.72	12	Ўсган
Биология	40.07	11	35.12	14	Камайган
Кимё	31.01	14	29.70	14	Ўзгармаган
Тарих	35.34	11	32.34	12	Камайган
Инглиз тили	45.39	10	39.00	13	Камайган
Немис тили	24.57	13	26.55	13	Ўзгармаган
Француз тили	33.64	8	31.60	6	Ўсган

Статистик ишланмалар асосида Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларидан ўзбек ва рус гурӯхларига тест имтихони топширган абитуриентларининг натижалири ўрганиб чиқилди. Натижя шуни кўрсатадики, туман ва шаҳарлар бўйича абитуриентларнинг кўрсаткичлари бир хил эмас. Чуст шаҳри, Давлатобод туманларидан ўзбек ва рус гурӯхи абитуриентлари юкори кўрсаткичга эришганлар. Наманган шаҳрида рус гурӯхи абитуриентлари яхши натижага эришган, лекин ўзбек гурӯхи абитуриентлари энг паст натижага эришганлар. Тест имтихони натижалари қўйидаги жадвалларда берилган (**ўзбек гурӯхлари**):

Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик
Чуст шаҳри	39.01
Чорток шаҳри	35.29
Давлатобод тумани	31.92
Норин тумани	30.74
Поп тумани	29.67
Чуст тумани	29.48
Тўракўрон тумани	29.38
Ўйчи тумани	28.96
Учкўрон тумани	28.95
Косонсой тумани	28.87
Янгиқўрон тумани	28.86
Наманган тумани	28.83
Мингбулук тумани	28.78
Чорток тумани	28.48
Учкўрон шаҳри	28.17
Наманган шаҳри	27.91

(**рус гурӯхлари**)

Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик
Давлатобод тумани	53.18
Чуст шаҳри	37.5
Учкўрон шаҳри	35.19
Наманган шаҳри	34.71
Наманган тумани	34.13
Поп тумани	33.58
Янгиқўрон тумани	33.46
Тўракўрон шаҳри	33.33
Ўйчи тумани	33.26
Косонсой тумани	33.01
Мингбулук тумани	32.03
Чуст тумани	31.74
Учкўрон тумани	31.36
Норин тумани	29.69
Тўракўрон тумани	29.54
Чорток тумани	26.28

Наманган вилоятининг тест имтихонида энг юкори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари республиканинг энг илғор шаҳар, туманлари кўрсаткичларига таққосланганда вилоятнинг бирорта тумани ёки шаҳари юкори ўринни эгалламаганини маддци бўлди. Фақат Чуст шаҳри ўзбек тили ва адабиёти фанидан Кашидадер вилоятнинг мактаблари кўрсаткичларига яқинлашган. Башқа фанлар бўйича вилоят туман ва шаҳарларининг кўрсаткичларига 6-11 фоизига паст эканлиги кўринади. Демак, вилоядат ўкувчилар билимини сифат жиҳатдан юкори кўтариши тадбирлари ишланиши ва амалга оширилиши керак. Натижя қўйидаги жадвалда келтирилган (**ўзбек гурӯхлари**):

Фан	Вилоят кўрсаткичлари		Республика туман ва шаҳарлари кўрсаткичлари			
	Туман ёки шаҳар номи	Қатн. Самар.	Вилоят номи	Туман	Қатн. Самар.	
Она тили ва адабиёти	Чуст шаҳри	22	33.46	Кашидадер вилояти шаҳри	154	33.97
Математика	Давлатобод т.	21	42.20	Бухоро вилояти шаҳри	22	48.86
Физика	Чуст тумани	238	29.25	Хоразм вилояти шаҳри	70	40.20
Биология	Поп тумани	299	37.20	Самарқанд вилояти шаҳри	19	48.54
Химия	Косонсой тумани	109	37.26	Каттакўр-фон вилояти шаҳри	21	48.15
Тарих	Косонсой тумани	178	32.23	Сурхондарё вилояти шаҳри	20	43.19
География	Мингбулук тумани	35	46.59	Бухоро вилояти шаҳри	31	55.20
Инглиз тили	Давлатобод тум.	20	44.31	Бухоро вилояти шаҳри	40	53.75
Немис тили	Чуст тумани	96	33.13	Конишик вилояти шаҳри	37	43.32
Француз тили	Мингбулук тум.	21	35.19	Ромитан вилояти шаҳри	34	48.69

Наманган вилоятнинг тест имтихонида энг юкори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари республиканинг энг илғор шаҳар, туманлари кўрсаткичларига таққосланганда вилоятнинг бирорта тумани ёки шаҳари юкори ўринни эгалламаганини маддци бўлди. Фақат Чуст шаҳри ўзбек тили ва адабиёти фанидан Кашидадер вилоятнинг мактаблари кўрсаткичларига яқинлашган. Башқа фанлар бўйича вилоят туман ва шаҳарларининг кўрсаткичларига 6-11 фоизига паст эканлиги кўринади. Демак, вилоядат ўкувчилар билимини сифат жиҳатдан юкори кўтариши тадбирлари ишланиши ва амалга оширилиши керак. Натижя қўйидаги жадвалда келтирилган (**ўзбек гурӯхлари**):

Фан	Туман номи	Мактаб №	Қатн. сони	Самарадорлик
Она тили ва адаб.	Тўракўрон тумани	37	6	15.28
Математика	Чорток тумани	7	10	16.94
Физика	Чуст тумани	32	7	20.63
Биология	Поп тумани	15	4	16.67
Химия	Тўракўрон тумани	16	4	13.89



## Ta'lim fidoyilar

нига ихлос қўйишларига, бу фанни мукаммал ўрганишга бўлган интилишларини амалга ошириш борасида олиб бораётган излашнешлари ҳам таҳсинга лойик эканлигини кўрдик.

Ха, мактабдан қайтар эканмиз, шунга амин бўлдикки, ўқитувчилик касби оддий касб эмас. У шу соҳа вакилидан тинимсиз излашнешлари, қобилият, юкори салоҳият ва бой тажриба талаф таъсида. Таъбир жоиз бўлса, шу касб халқимизнинг "От изини той босар" деган нақлига

## МУҚАДДАС КАСБ – ОИЛА ГУРУРИ

Инсон борки, баҳт-саодатга интилиб яшайди. Лекин ўша баҳт тушунчасини ҳар бир инсон ўзича тушунади, ўзига хос йўллар билан унга етишга ҳаркет қилади. Шуниси кувончлики, баҳтни ҳар хил мoddий бойлиқда эмас, маънавий бойлиқда, комилликда деб тушунувчи инсонлар кўп. Шу боис ҳаёт гўзал, яшаш марокли.

Дарҳақиқат, шундай. Зеро, асрлар мобайнида ақий заковат ва рұхий-мағнавий салоғынан маърифатли инсоннинг иккى қаноти ҳисобланып, уни комилликка, баҳтта элтган. Шу нұкта назардан қараганда, инсонни мана шу эзгу йўлга бошловчи мўтабар инсон – ўқитувчи, устоз деб улуғланади. Балки, устоз отангдай улуг, деган пурмашно ҳикматнинг замирида ҳам мана шу мазмун ётар.

Ҳа, биз ўқитувчини қанча улуғласак, эъзозласак кам. Чунки, у гўё машъаладек порлаб, ўзгаларнинг ойдин, равон йўлга қишишларида беминнат хизмат қилади. Майлумки, юртимизда ҳам ана шундай эзгу йўлда фиҳимат мөнгидан беради. Балки, устоз отангдай улуг, деган пурмашно ҳикматнинг замирида ҳам мана шу мазмун ётар.

Касбимиз тақозоси билан йўлимиз Бухоро вилоятининг Фиждувон туманинга тушиб қол-

ди. Бориб барча ишларимизни битириб қайтарканмиз, тумандаги энг илғор муассасалардан бирни бўлган 1-мактабга бирров киришга қарор қўлдик. Келганимизда дарсга кўнгироқ чалинган шекилли, мактаб ҳовлиси сув куйгандек жим-жит. Ичкарига киришканмиз, хаёлнимизни Диоромхон Алимова дарс ўтаётган бошлангич синф ўқувчилари ўзига тортид. Болалар дарс жараённида шунчалик равон сўзлашар

эдик, кўрган киши ўқувчилар сўзларни аввалдан ёдлаб олишган бўлса керак, деган фикрга келиши, шубҳасиз. Биз бу таҳжубимизни ўқитувчидан яширмадик. Бунга жавобан ўқитувчи бошлангич синфда ўқувчиларнинг равон сўзлашлари, сўзни тўғри талафуз қилишлари учун махсус, ўз ижодкорлиги билан ёндашиб, турли "Нутқ ўстириш", "Ўқиши – мусобака дарслари", "Савод ўрганиши дарсларида нутқ ўстириш", "Баён ёзиши ўргатиш" каби кўплаб ноанъанавий дарслар ташкил этаётганлигини таъкидлади.

Ўқитувчининг иш услуби билан танишар эканмиз, у киши ўқувчиларнинг давлат тили ҳисобланган ўзбек тилига қизишишларини орттириш баробаридан болаларда математика фа-

амал қилган ҳолда ота-онадан фарзандга ўтган бўлса, албатта, юкори самара бериши тайин. Зеро, фарзанднинг оиласдан ўқитувчи тарбиясида бўлиши ўнинг комил инсон бўлиб вояж этишида муҳим ўрин тутади.

Дилоромхон Алимовада эса бис юкорида санаб ўтган барча сифатлар мавжуд. У киши мактабда ўз касбнинг фидойиси, болжон ўқитувчи бўлиши билан биргага бу касб унга ота-онасидан мерос бўлиб ўтган. У киши билан сұхбатлашар эканмиз, оиласарида 11 нафар ўқитувчи борлигидан гурурланиб сўз очган эдилар.

Албатта, бу касб гурурланишига арзиди. Шу боис, мактаб жамоаси ушбу ўқитувчилар оиласининг барчасини мактаб фахри сифатида кўрсатишган ҳолда "Ўқитувчилар оиласи" номли кўргазма ташкил этишганки, бунга ҳамма ўқувчию ўқитувчи ҳавас билан қарайди. Биз ҳам ўз ҳавасимизни яширмаган ҳолда бу кўргазма янада кенгаяверади, дея умид билдирамиз.

Б. ЖОВЛИЕВ,  
З. НИЯЗОВА

Суратда: Д. Алимова  
галдаги машгулот  
тадоригини кўрмоқда.

## ЭЗЗОЗ

Ўқитувчилик касбининг этагидан тутиб, бу соҳада фидойилик кўрсатган киши борки, замондошлари авлодлар олдида эъзозли бўлади. Намозбой Мўминов ҳам мана шундай, ўз касбидан обрў топган фидойи муллым эди. Гарчанд, у киши ҳозир орамизда йўқ бўлса-да, хотираси ҳамиша ҳамкаслари ва шогирдлари қалбидайди.

Болалигидан ўқитувчилик касбига меҳр кўйган Намозбой ақа ўрта мактабда таълим олгач, дастлаб Тошкент педагогика техникумидан, сўнгра Тошкент педагогика олийгоҳида таҳсилни давом эттириди. Малакали тил-адабиёт фани ўқитувчилигидан ёлиб етиши. Сирдарё туманинда 15-ўрта мактабда ишлаш жараёнда эса, чинакам ҳаёт қозонида қайнади. Дараҳт бир жойда кўкаради, дейди ҳалқимиз. Намозбой Мўминовнинг ҳам асосий меҳнат фаолияти шу мактаб ҳаётни билан боғлиқдир. У 15-ўрта мактабда ўқитувчиликдан иш фаолиятини бошлаб, директорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Мактаб унинг учун қадрдан гўшага айланди. Бу мактабда фидойи муллиминг ҳамкаслари, шогирдлари ва... излари қолди. Хали ҳам дўстлар у кишини хотирлаб ушбу мактабда йиғилар эканмиз, бу ерда дўстимиз ва устозимиз нафасини сезгандай бўламиш.

Буғунги кунда Намозбой Мўминовнинг фарзандлари орасида ота изидан бориб, муллимлик касбини эъзоздаб келаётгандар борлиги, кувончли. Бу фарзандлар, шунингдек, кўплаб шогирдлар камолида ҳам биз хотирлаётган устоз муллимнинг ҳиссаси бекиёс.

Ўз касбининг моҳир билимдони ҳисобланган, ростгўй ва самимий муомалага эга бўлган, эл ичидага камтарин ҳаёт кечириб ўтган Намозбой Мўминовни барча таниған-билгандар "яхши одам эди" деб хотирлашади.

Амакбой КўЧАРОВ,  
Ўзбекистон ҳалқ ўқитувчиси



## ЎЗ БАХТИНИ ЎҚУВЧИЛАРДА ДЕБ БИЛАДИ

Бизнинг фарзандларимиз қандай бўлса, келажагимиз ҳам шундай бўлади. Шунинг учун, ишонч билан айтиш мумкинки, истиқболимиз ҳам ўқитувчилар кўлида. Ва кўп нарсалар мана шу ўқитувчилик қандай ишлашига боғлиқ. Бир қарашда оддийгина туюлган "ўқитувчи" сўзи ортида улкан меҳнатда чиниқсан ўқитувчилар ҳақида эса алоҳида сўз айтсанг арзиди. Бу ерда гап кўп йиллик тажриба ҳақида ҳам эмас, балки бу инсонларнинг ҳар қандай шароитда ва сўнгти кучигача ҳалол меҳнат

қилишга кўнишиб кетганлиги дадир.

Буғунги мақоламида улардан бирни – Навоий вилояти Зарафшон шаҳридан 8-мактабнинг бошлангич синф ўқитувчилари Рўзигул Раҳимова (суратда) ҳақида сўз боради. Айтиш мумкинки, бундай инсонларни ҳақли равишда "педагог бўлиб туғилган" дейиш мумкин. Аввал педагогика билим юрти, сўнг Бухоро пединститутини тутагиб мана 30 йилдирки, у таълим соҳасидаги меҳнат қилмоқда. Ўқитувчи бўлиб ишлаган йилларida у ўзининг бошлангич синф ўқитувчилари

ларини ўрганади ва бунда ўқитувчининг ота-оналарига таъядди.

Дарс давомида ола ҳар бир ўқитувчини эътиборда сақлайди. Рўзигул Раҳимова одатдаги сўров кунларидан ёки ҳар қандай рейтингни назоратни ўтказаётгандан барчани кўлади ва барчага ўз фикрини, ўзининг кунларидан ёки ўқитувчилари методбирилашмасининг раҳбари, 30 йилдан берি, ҳар қандай ўқитувчи ва ўсузвичига ёрдам берса оладиган устодиди.

Валентина ШАРИПОВА,  
Навоий ВПХМОИ  
диагностика ва  
рейтинг хонаси  
раҳбари

## СУЛОЛА САРБОНИ

мана шу бошлангич синф ўқитувчиларидир. Болалар илк ўқитувчиларининг ҳар бир сўзини ҳақиқат деб билади, унинг юриш-туришидан андоза олишга харкат қиласи. Демак, ўқитувчи доим ҳақ сўзини айтиши лозим, бунинг учун аввало муаллимда билим ва маънавиятга бой тафаккур керак. Шундагина у мурғак тафаккурларни ҳосил қилиши, болаларни тўғри йўлга солиши мумкин.

Юқоридаги сўзлар билан чизилган муаллим сурати Азим ака Мавлоновдир. Жамиятни бир боғ десак, шубҳасиз бобон муаллимид. Азим ака эккан дарахтлари ҳам аллақачон мева бера бошлаган. У кишининг шогирдлари мамлакатимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилмоқда. Устоз 1973 йили мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, ўзи ўқитувчи бошлангич синф ўқитувчи сифатида иш бошлади. Мана шунга ҳам қарийб чорак аср бўлиди. Бу орада қанча-қанча сувлар оқиб ўтиб кетди.

Устознинг иш тажрибаси нафакат тумандаги, балки вилоятда ҳам оммалаштирилган. 1999 йили мураббийнинг кўп йиллик меҳнатини ҳисобга олиб, "Маърифат фидойиси" нишони билан тақдирларди. Азим аканинг синф хонаси тумандаги энг олди десак, ҳеч мубалага бўлмайди. У кишининг хонасига кирганда, гўё музейга киргандай бўласиз. Деворларида "Эртаклар олами", "Жонахон ватаним менинг", "Буюк сиймолар", "Йўл ҳаракати қоидалари", "Ким бўлсан экан?", "Бахти болалик" стендлари хамда "Олтин тоҳ" ва "Мўъжизалар майдони" ўйинларини ташкил этган. Шунингдек, Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодий бурчаклари мавжуд. Турфа чиройли гуллар, рангли суратлар ҳарфлар мажмуаси, фаслларни кўрсатиб турувчи соат миллари синф кўргига кўрк ўтиб кетиди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Йўлдош Муҳаммадиев мактабга ташриф буоргандага ҳазил аралаш "келинчакнинг ўйдан аъло-ку" дейди. "Ҳар келганимда хонангиздан завкланиб, ором олиб кетаман" дейди яна. Устоз бунга жавобан "ахир бу менинг иккичи ўйимда" дейди жилмайиб. Бошлангич синф ўқитувчиси бўлиш, менимча жуда катта масъулият талаб этиди. Чунки, мурғак, мусафо қалбларининг кўз очиб кўрган илк устози

шундай имконият беради. Рўзигул опанинг асосини оқилона рағбатлантиришидир. Ўқувчилар биладиди, устоз уларнинг ҳатто энг кичик муваффақиятини ҳам назардан четда қолдирмайди. Опанинг дарсни юкори талабчанлик билан оналик мөхринга биргаликда кўшиб олиб бориши уни яхши натижаларга элтиб келади. Педагогнинг бу усули болаларга эркинлик беради, улардаги таранглик, ўз кучигасини йўқотиб, ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришига ёрдам беради.

Бошқатомондан, бальзида унга ҳамма нарса осондек, ундиға ўқувчилар суполасини давом эттириш орзисидар. Устозга ораза ўқувчиларни таънишларни беради. Биринчи синф – ўқувчи ҳаётидаги махсус қилинган синф ўқитувчилари билан интилиши ёки ундан беҳизи боланинг мактаб бўсағасида учратадиган биринчи ўқитувчилари боғлиқ. Устоз ҳам ўқув йиллининг биринчи кунларидан ўз ўқувчилари ҳақидаги барча мъалумотларни билиб олишга тиришади, чунки улар 4 йил бирга ишлашлари керак. Боланинг характери, унинг кучли ва заиф томон-

истеъоддидик ва ота-оналар меҳрибондек туюлади. Бироқ, гап бошча ёқда: Рўзигул опа ѡзаки ишлаш ва яшашни ёмон кўради ва айнан шунинг учун, мана етти йил мобайнида шаҳар бошлангич синф ўқитувчилари методбирилашмасининг раҳбари, 30 йилдан берি, ҳар қандай ўқитувчи ва ўсузвичига ёрдам берса оладиган устодиди.

Валентина ШАРИПОВА,  
Навоий ВПХМОИ  
диагностика ва  
рейтинг хонаси  
раҳбари

**АСОСИЙ КУРС**  
**Our Flat**  
**(Lesson six)**  
**(Давоми)**

My name is Faruh. I am 16 years old. I live in Tashkent. We live in the new flat. Our flat is large. We have four rooms in our flat: a living room, a sitting room, a children's room and a bed room.

Our living room is very comfortable. It is light because there are two windows in it.

The walls in this room are white. There are curtains on the window. There are carpets on the floor. The curtains are white and carpets are red. There is a square table in the middle of the room with six chairs around it.

1

**ИНГЛИЗ ТИЛИ**  
**САБОКЛАРИ**

There is a sofa and two arm-chairs near the wall on the left side. There is a TV-set in the corner of the room. It is opposite the sofa. In the evenings we all watch TV in this room. I like our children's room. There are two beds, a book-case and a writing-table in it. There is a wardrobe near the wall. We keep our clothes in it. The writing-table is near the window. There is a tape-recorder and a small radio-set on the table. There are many books in the book-case. We do our homework in this room.

2

**Dialogue:**

- Is your room comfortable?
- Yes, it is. It is clean and light.
- What is there in your room?
- There is a bed, a writing table and a book-case in it.
- Are there any pictures on the wall?
- No, there aren't. But there is carpet there.

**Dialogue.**

- Where is your flat?
- Our flat is in Chilanzar.
- How many rooms are there in your flat?
- There are only two rooms in it. Our family is not very large.

(Давоми бор)  
Good bye!

3

Ватандошимиз — энциклопедик олим Абу Райхон Беруний география фанининг таргиготчиси сифатида буюк асарлар яратганки, бутун бир даврни Беруний даври деб атайдилар. Дарҳақиқат, тадқиқотчиларнинг фикрича, Берунийнинг география бўйича шуғулланган соҳаларини санаб ўтишдан кўра шуғулланмаган соҳаларини санаб ўтиш осонроқ.

Абу Райхон Берунийнинг халқларварлигини ўрнек килиш мумкин. У араб, ҳинд, юон ва хоразм фанларини, маданияти ва тилини бирдай улуғлаган. "Хар бир халқ

сидаги таърифлари диккатга сазовордир. "Еттингчи иқлиминг нариги тарафидаги (шимолидаги) вилоятларнинг ахолиси кам нуғузлидир ва улар қолоқ ҳолда яшайдилар. Озми-кўпми аҳоли яшайдиган (ийифладиган) энг олис жой Юра шахридир. Булғордан унгача бўлган масофа ўттиз икки кундир. У ерга борадиган одамлар ёғоч чаналарга озиқ-овкат ортиб муз-кор дадаларидан тортиб борадилар. Чаналарни ё ўзлари тортадилар ё уларнинг итлари судрайди. Сўнгакдан ҳам (чанилар) қиласидар, буларни оёқларига боғлаб тез юрадилар. Юра

маълумотлар берилган. "Еттингчи иқлиминг шимолида одамни совук ҳалок этади. У ерда совук қаттиқ ва узоқ давом этиши, ерда қор қопламларининг мутлақо кўтарилимаслиги ёки бироз вақтгина кўтарилиши тирик мавжудот учун зарур бўлган ўсимликлар ўсишига тўқсинглик қиласиди, фақат бирор (табиий) ёнгиллик тугилсагина ўсимлик ўсиши мумкин. Шимолдаги жойлар совук ва қор сабабли ободонликдан узилган".

"Шимолий мамлакатларнинг кишилари (жа-

**АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ  
ШИМОЛИЙ ЎЛКАЛАР ҲАҚИДА**

бирон фан ёки амалиётининг тараққий этганлиги билан машҳурдир"..."Бошқа халқларни севишни ўрганмоқ истасанг, уларнинг тилини ўрган, ҳаёт тарзини, одатларини, тафаккурларини эҳтиром эт" деган эди Беруний. Унинг бутун дунё фанига кўшган хиссасини улуғлаб: "У ўрта Осиё илмий тоғликларидаги жуда кўп тепалар орасида бамисоли энг баланд чўқчи", "Ўрта Осиё юлдузлар туркимида зўр ёритгич", "Араб тилида яратилган асарлар океанидан кўкка мағруронда бўй чўзган чўқчи", "Ўз даврининг аклидрони мужассам этибгина қолмай, келажак авлодга ҳам илм-фанинг янги шуълаларини тарқатган олим", демоқдалар.

Абу Райхон Беруний ҳар бир халқнинг табиати ва аҳоли турмуш даражасини синчилаб таърифлаб берган. Шу жумладан, шимолий ўлкалар тўғри-

халқининг олди-сотдиси шундай: улар савдо молларини бир чеккага қўйиб, ўзлари узоқда туришади (бошқа одамлардан) шунчалик ҳайикадилар.

Океан (Атлантика)дан шимолга сақлаблар томонига қайриладиган денгиз бўйида ҳам одамлар бор. Бу Варанг денгизи номи билан маълумдир, чунки унинг соҳилларида шу (варанг номли) ҳалқ яшайди. Бу мамлакат қор ва муз билан қопланган вилоятларга ёндошdir. Бу ердагилар орасида ёзда шу дengiziga овга чикадигanla-ri bor. Очилар, Шимолий кутбга томон жуда узоқ (сузиб) борадилар, у ерда Кўёш (ёзи билан ботмай) ер остида айланади ва ҳар доим кўриниб туради ва овчилар тун бўймайдиган жойларга етдик деб ўзаро мақтанишади...

Шимолий кутбга томон узоқ совук бўлиши, ўсимликлар қоплами ҳақида нубга келиб қолганда) ҳайрон бўладилар, хурмо, зйтун ва бошқа дарахтлар қиши вақтида кўм-кўк ва гуллаб тураверида. Ахир бундай шароитни ўз ерларida кўрмайдilar.

"Кўёш шимолий яримшарда бўлган муддатда ҳар куни уфқа паралел бўлиб ҳаракат қилгандай айланади. Шимолий кутбда Кўёш доимо уф устида кўринади. Бу муддат (Шимол учун) кундуз бўлади. Жанубий кутбда (ўша пайтда) уфқда Кўёш кўринмайди. У ерда кечаси бўлади".

"Экватордан кутблар томон узоқлашиш — иқлимиш шароитни белгилайдиган асосий сабабdir".

"Жанубий кутбга якин ерлarda совук (шимолга нисбатан) янада қаттиқроқдир", деб таърифланади география фанлари доктори, профессор X.Хасановнинг "Сайёх олимлар" китобida.

**Ж.ХАЛИЛОВ**  
Андижон вилояти

**ОИЛАДА ТАЪЛИМ**

Ҳар бир касб эгасининг ўз вазифаси, хизмат доираси бор. Бироқ барчага баб-баравар таалуқли бўлган яна бир соҳа борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу фарзандларимизни тарбиялаш бурчи, уларнинг келажаги учун жавобгарлик масъулиятидир. Ёшлар тарбияси ниҳолга қиёсланади. Ҳақиқатан ҳам ниҳолни тўғри парваришиласак тўғри ўсади, қийшиқ ўстирсан, буқри бўлиб қолади. Тарбия кишини ёмон таъсирдан сақлабгина қолмай, қобилият, билим, ахлоқий поклик сари етаклайди, маънавий камолотта етказади. Қуш уясидаги кўрганини қиласди, дейди доно халқимиз. Бола таълим-тарбияни дастлаб оиласда олади. Ҳали тили чиқмаган мурғак қалба: "Қани, адандга ассалом дегин" деб ўргатамиз. Бола қўлини кўксига қўйиб салом берган онларда кўнглинимиз осмон янглиг юксалади.

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманинда 194- "Умид" болалар боғасида ТШУМОИ мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан "Оила шароитида болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш" мавзууда шаҳар семинари бўлиб ўтди. Тадбирда педагоглар, психологлар, ТХТБ услубчилиари, мудиралар, тарбиячилари, тажрибали онахонлар, ёш уй бекалари иштирок этдилар.

Семинарда "Болаларни рағбатлантириш — ўзига ишонч замини", "Хотиржамлик — дадиллик асоси", "Сабр таги — сарқи олтин", "Хурмат қилсанг — хурмат кўрасан", "Ўринли танқид — келажак меваси" мавзулари асосида педагогик ҳолатни ҳал қилишга доир саҳна кўринишларда ёш оиласарда оналарнинг бола тарбияси борасида ўйл қўяётган ҳатолари, нуроний бувижонлар эса ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда набираларига вазменик, босиқлик билан муаммоли вазиятдан чиқиш йўлларини тушунтиришлари акс этирилган. Шунингдек, иштирокчилар Гулсара Жалолова (47-боғча психология), Маъсуда Ҳакимова (551-боғча мудираси), Дилбар Умарова (169-боғча мудираси), Махмуда Фаниева (118-боғча мудираси), Саломат Тошпўлатова (432-боғча мудираси), Вазира Фиёсовна (107-боғча мудираси)лар раҳбарлигига ишчи гурухларга бўлинниб, семинар мавзуси бўйича ўз фикр-мулоҳазалари асосида услубий тавсиялар билдирилар.

Семинарда ишчи гурухларнинг мавзулар бўйича билдирилган услубий тавсияномалари билан танишилди ва ўзаро фикр алмашилди.

Дилбар ҲўЖАЕВА

Пойтахтнинг Чилонзор туманинда 265- "Дўстлик" болалар боғасида мактабга тайёрлов гурухи болаларининг "Хайр боғча, салом мактаб!" деб номланган хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. Унда мазкур боғча тарбиячилари ҳамда болаларнинг ота-оналари қатнашди. Тадбир аввалида болалар республикамиз мадҳиясини ижро этдилар. Шундан сўнг улар давра иштирокчилари билан саломлашув, табрик шеър ва қўшиқларини наимий этдилар. Болалар тарбиячининг юртимиз тарихига оид саволларига зудлик билан жавоб бердилар ҳамда турли хил ўйинчоқлар ясаш, расмлар чизиш каби машғулларда олган билимларни давра қатнашчилари олдида исботладилар. Энг

**ХАЙР  
БОҒЧА, САЛОМ  
МАКТАБ**

кувонарлиси шундаки, болажонлар Тошкентнинг ўн иккى дарвозаси, Буюк ипак йўли ҳақида ва шу каби ўтмиши миздаги муҳим саналарни айтиб, йиғилганларда ўзларига нисбатан юқсан мөхр ва ҳавас ўйғотдилар. Боғча мудираси М.Фатхуллаева болажонларга ҳаётда оқ ва нурафшон ўйл, мустаҳкам соғлиқ ва баҳт тилади. Гурух тарбиячиси З.Мўминова эса болажонларга эсдалиқ совғаларни топшириди. Тадбир нюхоясида болажонлар азиз ва муҳтарам ота-оналар ҳамда барча тарбиячиларга анвойи гуллар тақдим этишиди. Тадбир болаларнинг "Хайр боғчажон" қўшиғи билан якунланди.

Самаржон Ҳусанов

**АКАДЕМИК ТАЛАБАЛАР  
БИЛАН**

Тошкент архитектура-қурилиш институтида алгоритмлаш назарияси асосчиси, академик Восил Қобулов билан учрашув бўлиб ўтди.

Кибернетика, информатика йўналишида ўз илмий мактабини яратган олимнинг бу институтга таклиф қилиниши бежиз эмас. Бу ерда В.Кобуловнинг кўплаб шогирдлари ва издошлари бор. Академик номидаги маҳсус стипендия энг аълочи ва иқтидорли талабаларга берилади.

Олим ўз шогирдларига фан ва инсоният тараққиёт

**Bir dargohdan ikki xabar**

тининг бир-бирига узвий боғлиқлиги хусусида сўзлари. Зоро, заҳмат чеккан, ва улардан чўчимаган киши элла обрў ва иқбол топади. Олим ана шундай шахслардан бириди.

Утрашув сўнгидага академик олим талабаларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**Н.ВОХИДОВ.**

**«ХАЗОН БЎЛГАН УМР»**

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридан Давлат ва жамият қурилиши академиясида намойиш

этилган саҳна асари шундай номланади. Асарни Санъат институтининг талабалари саҳналаштиришган. Унда ёшлар ҳаётидага учраётган диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг фожиаси ҳикоя қилинади.

Шуниси диккатга сазоворки, "Хазон бўлган умр"ни пойтахтдаги олий ўкув юртларининг талабалари келиб томоша қилишмоқда. Бу гал асарни Тошкент архитектура-қурилиш институти талабалари кўришиди ва ўзларига тегишли хулоса чиқариши.

Х.МўМИНОВ,  
шу институт талабаси

Анвалги мақолалари мизда икки марта Нобел мукофотига сазовор бўлган олимларнинг ҳаётни ва илмий фаолиятлари тўғрисида хикоя қилиб ўтган эдик. Бундай серқира олимлар қаторида Мария Склодовская Кюри, Лайнус Полинг ва Жон Бардиннинг номларини сабаб ўтган эдик. Бугун ана шу рўйхатни янада кенгайтириб, бу олий мукофотга икки марта сазовор бўлган англиялийк кимёгар олим Фредерик Сенгернинг илмий фаолияти билан яқиндан танишамиз.

Ф. Сенгер 1918 йили 13 август куни Англияning Глостершир графлигидаги Рендкомб шахрида дунёга келди. Унинг онаси уй бекаси, отаси эса таникли врач эди. Бўлжак олим 1936 йили Кембрих университети қошидаги авлиё Иоанн колледжига ўқишга киради. Аввалига отаси изидан боришини мўлжаллаган ёш Фредерик, кейинчалик биокимёга қизиқиб қолади ва кейнинг ҳаётини шу соҳа билан боғлашга ният қиласди.

1939 йили ўша университетда бакалавр даражасига эришган Сенгер илмий ишларга астойдил киришиш мақсадида шу йилнинг ўзида аспирантурага киради. Ўз устида қаттиқ ишлари ҳамда келажакка ишонч билан қараши унинг олдига кўйилган илмий муаммоларни ижобий ҳал қилишда доимо кўмакчи бўлиб қолди ва унинг интилишлари зое кетмади.

1943 йили Ф. Сенгер докторлик илмий даражасини олишга муваффақ бўлади. Сал ўтмай уни профессор Чиблалл раҳбарлик қилаётган илмий лабораторияга ишга қабул қилишади. Ўша пайтларда бу илмий гурӯх оқсиллар хоссаларини ўрганиш билан шуғулланмоқда эди.

Маълумки, 1902 йили Эмил Фишер ўз илмий ишларидаги оқсиллар аминокислоталардан

иборат эканлигини айтиб ўтган эди. Бундан ташқари вақт ўтиши билан аксарият оқсиллар таркибига кирадиган аминокислоталар бирин-кетин жойлашган оқсил молекуласининг полипептид занжирини, яъни барқарор бирламчи структурасини ташкил қилиши ҳам аникланди.

Энг оддий тузилишдаги оқсиллардан бири бу инсулиндир. Чиблаллайнан шу модданинг тузилишини ва хоссаларини чукурроқ ўрганиш масаласини Сенгерга топширади.

Сенгер ўтказган дастлабки изланишлардан инсулин икки хил турдаги аминокислоталар



хоссаларини ўрганиш бўйича кўйилган тажрибалар охирига етказилди ва орадан бир йил ўтгач, бу борадаги олингандан натижалар илмий рисола сифатида эълон қилинди. Бу тўлалигича ўрганилган биринчи оқсил молекуласи эди.

## Nobel mukofoti sohiblari

ютуқлари учун кимё соҳасидаги Нобел мукофоти билан тақдирланди.

Биринчи Нобел мукофотини олгунга қадар Сенгер генетика соҳасидаги ҳам баъзи илмий изланишларни бошлаб юборган эди. Маълумки, генетик моддалар ҳисобланган дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) ҳам рибонуклеин кислотаси (РНК) ҳам боғланган нуклеотидлардан ташкил топгандир. Иккита айланма винтсимон пофона кўринишига эга бўлган ДНК молекуласи оқсил ҳосил

гия яратдилар. Ферментларни қўллаш билан улар РНК занжирини майдага бўлакчаларга ажратдилар ва ҳар бир бўлакчанинг давомийлигини алоҳида ўргандилар. Сўнгра бўлакчаларнинг ферментлар билан ҳосил бўладиган таъсирашувлари асосида бутун кетма-кетлик занжирининг хоссалари аниқланган.

Лекин, масалани бу йўл билан ҳал қилиниши жуда кўп вақт ва сабр-тоқат талаб қиласди. Шу боисдан ҳам Сенгер РНК ва ДНК кетма-кетликлар ҳоссаларини аниқлаш бўйича янги аналитик усул яратишга жазм қиласди ва 1973 йили ўз мақсадига эришди. Бу янги усул дидекосид номи билан машҳур бўлган.


Бу ишлардан бехабар ҳолда америкалик кимёгар олим Уолтер Гилберт ҳам Сенгернинг дастлабки кашфиётларига мос тушадиган усул билан ДНК занжирларини ўзига хос тартибда бўлакчаларга ажратишни ва уларнинг хоссаларини ўрганишни йўлга кўйди.

Бу икки олимнинг ишлари ўз вақтида кўйилган дадил қадам бўлди ва улар генларни ўрганиш соҳасидаги яратилган улкан технологик кашфиётлар эди.

1980 йилги кимё соҳасидаги Нобел мукофоти ҳақли равишда Фредерик Сенгер ва Уолтер Гилбертларга берилди.

Содда, лекин кўп яхши фазилатлар соҳиби бўлган Сенгер 1940 йили Маргарет Жоан Хоувга уйланган. Уларнинг икки ўғли ва бир кизлари бор. У ҳозирда ҳам ўз оиласи билан Кембрих шахрида истиқомат қилмоқда.

**Абдумажит ТЎРАЕВ,  
Физика-математика  
фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Физика  
Жамияти ҳайъати  
аъзоси**



## ХАРБИЙ БАЗА ОЛИБ ЧИҚИЛАДИМИ?

Россия Федерацияси ихтиёридаги Гудутск ҳарбий базаси атрофидаги муаммолар факатгина Грузия ва Россия президентлари даражасида ҳал этилиши мумкин, — деб хисобламоқда Грузия парламенти раҳбари Нино Лекишвили. Унинг айтишича, Россия ҳарбий базасини Грузиядан олиб чиқиб кетиш борасида ҳозирда олиб борилаётган музокаралар бу масалада бир тўхтамга олиб келмайди. Чунки Абхазия Россия Федерацијаси учун стратегик аҳамиятга эга худуд бўлгани сабаб, у ўз ҳарбий базасининг жойидан кўчирилмаслигидан манфаатдордир. Грузия ҳукумати эса бу масалада Россия билан “совуқ муносабатлар” келиб чиқиши олдин олишга ҳамиша тайёр эканлигини билдирган.

## “КОРА КУТИ” ЎРГАНИЛАДИ

Халқаро Авиация кўмитасига шу йил 3 июль куни Иркутск яқинидаги ҳалокатга учраган Tu-154 ҳаво лайнери “кора кути”си топилган дея ҳабар берилган. Шунингдек, ҳалокат жойидан самолёт иш тизими ҳақидағи информацияларни ўзида мужассам этган МЕРП-12 курилмаси ҳам топилган. Ҳалокат сабабларини ўрганиш бўйича комиссия раиси, Россия бош вазири ўринбосари И. Клебановнинг фикрича, “кора кути” Москвага таҳлил учун юборилади. У ерда Халқаро Авиация кўмитаси мутахассислари ишни ўрганишга тайёр турибди.

## МАЪЛУМОТА- Л ЭМИГРАНТЛАР КЕРАК

Германия чет элдан оқиб келувчи эмигрантлар учун эшикларини кенгроқ очмокчи. Берлинда ушбу масала билан шуғулланувчи комиссия хисоботи тингланди. Унга кўра мамлакат ҳар йили 50 минг эмигрантларни қабул қиласди. Агар бунга чек кўйилса, Германияда ишчи кучи етишмаслиги муаммоси пайдо бўлади. Экспертларнинг хуносаларига кўра, бундан бўён асосан ихтисослашган мутахассислар ва маълумотли кадрларга алоҳида эътибор билан қараш керак бўлади. Айниқса, мактабни битирган ёшлиарга Германияда ўта-максус маълумот олиб шу ерда қолиб ишлашлари, ҳатто мамлакат фуқаролигини бериш чораларини кўриш керак.

## НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛ САБДОСИ

Аргентина сабиқ президенти Карлос Менем қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланганликда айбланмоқда. 1991-95 йиллар оралигига Аргентинадан Хорватия ва Эквадор давлатларига қурол етказиб берилганлиги аниқлангани БМТнинг амалдаги эмбаргоси бузилганин кўрсатади.

Федерал судя Хорхе Уорсонинг таъкидлашича ноқонуний қурол савдосига 1989 йилдан 1999 йилгача мамлакатни бошқарган Карлос Менем бевосита даҳлдордир. Ҳозирда суриштирув ишлари давом этмоқда. Маълум бўлишича, ўша пайтда Хорватияга 6,5 минг, Эквадорга 5,5 минг тонна автомат ва ўқ-дори етказиб берилган.

## НАТО-ОЧИК ТАШКИЛОТ

АКШ президенти маъмурияти Россиянинг НАТОга аъзо бўлиши мумкинлиги борасидаги ўз эътирозлари бекор қилинганини маълум этди, дея ҳабар беради Deutsche Welle ахборот маҳкамаси. Ж.Буш маъмуриятининг Вашингтондан маълум қилишича, “НАТО эшиклари ҳамиша очиқ қолиши керак”. Давлат департаменти расмий вакилининг фикрига кўра, ҳар қандай Европа мамлакати аъзолик масъулият ва мажбуриятларига тайёр бўлса, НАТОга аъзо бўлиши мумкин. Ўз навбатида Ж.Буш Россиянинг Европага яқинлашувини кўллаб-куватлайди.

## «АЛПОМИШНИНГ КАЙТИШИ»

Яқинда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий драма театрида Усмон Азим қаламига мансуб "Алпомишнинг қайтиши" номли икки пардали мусиқали драмасининг премьераси бўлиб ўтди.

Асар саҳна юзини кўришида саҳналаштирувчи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валижон Умаров, мусиқасини яратган Баҳрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон санъат арбоби, рассом Шуҳрат Абдуллаевнинг хиссаси улкан бўлди.

Асар достондагидек, яни Алпомишнинг туғилишидан бошланди. Томошабинг асар дастлаб достоннинг ўзилик кўринди, лекин бу фикрлардан томошабин тезда кайтди. Асарнинг сюжет қурилиши муаллиф томонидан жуда чукур очиб берилганки, ҳар қандай томошабиннинг қалбини бевосита ларзага келтиради. Айниқса, Ултонтознинг ўзини "Алпомиш" деб эълон қилиши, Алпомишнинг ўзи Култой киёфасида келиб, оиласи, ота-онасининг қулга айлантирилганини кўришидаги сюжет ҳар бир томошабин кўзини ёшлантириди.



Асар образларини, яни Алпомишни, Барчинойни, Ултонтозни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насриддин Рустамов, Зулайхо Бойхонова, Турғун Бекназаровлар маромига етказиб ўйнаганлар. Унда айтилган бағишивлар эса Ватанга бўлган муҳаббатни жўштириб юборади.

Спектакль тугагач, асар муаллифи Усмон Азимга қўйидаги савол билан мурожаат қилдик:

**— Айтингчи, ҳар бир образ сиз ўйлаганчалик маромига етказилдими, актёрлар сизнинг дардингизни томошабинга етказиб бера олдиларми?**

— Нима десам экан, асар китоб холидагидек саҳнага кўчмаган бўлса ҳам, лекин менимча, томошабин қалбидан жой олди. Шунинг ўзи ютуғимиз бўлса керак. Бунга алоҳида ҳисса кўшган Валижон Умаровга ҳамда барча актёрларга миннатдорчиллик билдираман.

Асарнинг саҳналаштирилиши ҳакида режиссёрнинг фикрлари билан ҳам ўртоқлашдик.

— Биласизми, — деди В.Умаров, — асар саҳна юзини кўргунча шунчалик кўп қийинчилек бўладики, асти кўйверасиз. Лекин асар саҳна юзини кўргач, барча қийинчилар унтилиб кетади. Бу сафар менинг "Муқимий" театрида биринчи марта асарни саҳналаштирганин анча қийинчилеклар туғдирди. Чунки мен бу жамоани яхши билмаслигим ҳам шунга сабаб бўлди.

Шундан сўнг томошабин сифати-



да қатнашган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Саида Раметованинг спектакль ҳакидаги фикрига қизиқдик.

— Асар ҳакиқатан ҳам қойилма-ком қилиб ижро этилди. Бу спектакль ҳатто бизнинг эртанги ижоддимизга таъсир ўтказди. Яни ишимиз олдидан руҳлантириб юборди. Айниқса, Ёдгорни ижро этган Алишер Узоқов роли мени ниҳоятда ларзага келтириди.

Ҳа, ҳакиқатан ҳам асар мақтагулик яратилган. Ҳатто залдаги одамнинг кўплигидан томошабин тик түриб томоша килишга мажбур бўлди. Таассуротларимиз хуласаси: театрга тушган томошабин анчагача спектаклни унтуломай юрса керак.

**Шерзод АХМАТОВ,  
"Маърифат" мухбири  
Абдуғани ЖУМА олган  
суратлар.**

Газетанинг ўтган сонларидан бирида республикамиз музейлари ҳакида кафтдеккина мақола эълон қилгандик. Унда асосан музейларга ташриф буорувчилик сони, мақсад ва вазифалари, шунингдек, мавжуд музейлар тўғрисида қисқача маълумот берилбўтгандик.

Ушбу мақоламиз ҳам айнан музейлар фаолиятига бағишиланган бўлиб, газетхонга бирмунча тушунарсиз бўлмаслиги учун умумий музейлар сони ва турлари, қайси соҳаларга бўлинини ҳакида қалам тебратамизки,

## МУЗЕЙЛАРИМИЗ КЎП, АММО, БУ ҲАЛИ ЕТАРЛИ ДЕГАНИ ЭМАС

бундан ҳар бир ўкувчи  
етарлича маълумотта эга  
бўлади, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимиз худудидаги турли музассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, ҳалқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклири пойтахтимизда жойлашган.

Шу билан бирга, ўнлаб музей, Фарғона ўлка-шуннослик музейлари, энг йирик ҳисобланган Ўзбекистон Давлат санъат музейлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аммо ҳозирги даврнинг нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсан, музейлар фаолиятида қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Мисол учун, Европа ва Америка қитъаларида мавжуд очиқ осмон остидаги музейлар, маҳсус иншоотлардаги, сув ҳавзаси остидаги улкан музейлар, Россиядаги Третьяков галереяси каби турли, томошабинни ҳайратта соладиган музейлар борки, уларни эшитган заҳотиёқ ҳар бир одамда қизиқиши ўйғониши табий.

Дарвоҷе, бизда ҳам шундай музейлар қурилиши, шубҳасиз. Ҳозирча эса, Марказий Осиёдаги энг йирик музейлар айнан Ўзбекистондалиги, бундан ҳатто саёҳатчилар ҳам мамнун бўлишаёттанилигини фарҳ билан айтсан арзиди.

Шоира  
ЖҮРАҚУЛОВА

## ХЬЮСТОН – «BET-AWARDS» СОВРИНДОРИ

Лас-Вегас шаҳрида "Bet Awards" совринининг биринчи тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бунинг бошқа совринлардан фарқи шу бўлди, у фақат Американинг қора танли поп юлдузларига бериладиган бўлди. Бу эса анъанага айланниши таъкидланмоқда.

Тақдимот маросимида бош соврин ўзининг ширави овози, иқтидори билан машҳур бўлган Хьюстонга наисб этди. Унинг ютуқларини бирма-бир санайдиган бўлсан, "Гремли" совринининг ўзинигина 6 марта кўлга киригтан. Ўз ашулалари билан доими хит-паратларнинг биринчи ўринларини эгаллаб келади. Бундан хурсанд бўлган Хьюстон ўз ташаккурларини билдиради экан, бундай ютуқларнинг барчасига онаси ва биродарлари сабабчи эканлигини алоҳида таъкидлаб, ўз хурсандчилигини кўз ёшлари билан намойиш этди.

## «ТИЛЛА БИЛЛУР ГЛОБУС»

Чехиянинг Карлови Вари шаҳрида 38-халқаро кинофестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Фестивалнинг очилиш маросими Америка кино юлдузи Настасья Кинский очди. Бунда Европа, Осиё, Шимолий Америка ва Лотин Америкасининг 300 га яқин энг зўр фильмлари тақдим этилди.

Бош соврин – "Тилла биллур глобус" учун 17 та кинолента танлаб олинди. Буларнинг ичидан эса Москванинг "Захар ёхуд бутун дунё тарихининг заҳрланиши" фильмни совринга лойик деб топилди. Бу фильмнинг режиссёри Карэн Шахназаровдир. Фестивалга поляк режиссёри Кшиштоф Занусси бош ҳакамлик қилди.

## «ГРУШИН» ФЕСТИВАЛИ

Самарада 5 июль куни 28- "Грушин" фестивалинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳаммага маълумки, 1- "Грушин" фестивали 1968 йилда ўтказилган. Бунинг тарихи ҳам жуда қизиқ бўлганди, яни 1967 йилда Валлерия Грушинна дарёдан гўдакларни куткариб қолганди. Шундан эътиборан бу фестиваль ўтказилар эди. 2001 йилдан бошлаб эса бу фестиваль Умумrossия мақомига эга бўлди ва Россия федерал маданият дастурига кирилди. Фестиваль шу кунларда давом этмоқда.

Шерзод АХМАТОВ,  
Феруза РАСУЛОВА

"Интернет" хабарлари бўйича тайёрлади.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри артистлари ижросида Польша бастакорларининг музикалари янгради.

— Таникли опера хонандалари Шукур Фоғуров, Нормўмин Султонов ва Алефтина Степанянлар

рига кўра, бундай концертлар Тошкентда илгари ҳам ўтказилган. Ҳусусан, иккى йил бурун Тошкент давлат консерваториясида Фредрик Шопен ижодига бағишиб, анжуман ўтказилганди. Ўтган йили эса хор ансамбли ташкил этилди.

— Шу пайтга қадар бун-

## ТОШКЕНТДА ПОЛЬША МАДАНИЯТИ

Шопен асарларидан арияларни поляк тилида ижро этишди, — деди "Туркистон-пресс" мухбири "Полония" маданият маркази раиси Елена Яковлева. Ушбу кечани Польшанинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва маданият маркази ташкил этишди.

Е.Яковлеванинг сўзла-

дай тадбирларда поляшлик ижочилар қатнашмаётганди, — деди Яковлева. — Уларни ҳам таклиф килдик, поляшалик хонандалар шу йил август ойидага Ўзбекистонга келишиб, "Полония" маданият маркази ташкил этилганинг ўн йиллигига иштирок этишади.

"Туркистон-пресс"



## КИМ ДУНЁДА ЭНГ МАШХУР?

Машҳурлар ҳакидаги гапни ким ёқтиримайди дейсиз? Машҳурлар ва бойлар ичидан энг бойи ва машҳури кимлиги — албатта қўпчиликни қизиқтиради.

Американинг "Форбс" журнали ҳар йили бу саволга жавоб излайди. Ҳар йили биз кимdir машҳурлик пиллапоясидан бир поғона қўйилагани, кимdir эса ўн поғонага юқорилагани ҳакида ўқиб, кузатиб борамиз. Бу рўйхатни турли ийларда ҳар хил кишилар бошқаргандар. Бу йил омад Том Крузга кулиб бокди.


Тан олиш керак, "кичина Том"нинг ишлари ёмон кетмаяпти. Унинг ҳатто Николь Кидман билан расман ажрашгани ҳам энг суюкли бўлишига ҳалакит бермади. Том Круз бир йилда 43 миллион доллар ишлади. Ҳакиқатан тенги йўқ йигит!

Машҳурлар ўнлиги рўйхатида, шунингдек, Брюс Уиллис, Бритни Спирс, Мел Гибсон ҳамда ... 30 йил олдин тарқаб кетган "Битлз" гурӯхи ҳам бор!

Лазиза АЮПОВА

## “СПОРТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ”

Ўрта масофаларга югуриш бўйича бир неча бор жаҳон рекордни ўрнатган Ишъам ал-Герук журналистлар билан муштлашиб қолди, — дея ёзди Марокаш газетаси “Economist”. Енгил атлетика миллий институтидаги ташкил этилган терма жамоа машғулотлари пайтида таомлар сифатсизлигидан дарғазаб бўлган чемпион жанжал келтириб чиқарган. Бу ҳолатни суратга тушириб қолмоқчи бўлган журналистлар ҳам унинг қаттиқ қаршилигига учраганлар. Федерация раҳбарларидан эса, кейинги пайтида “Ал-Алъам” газетаси мамлакат фахрига айланган спортчи номига номуносиб мақолалар тарқатганини боис таҳририят фотомухбири ўз “ҳаки”ни олган.



## ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ СИНОВДАН ЎТДИ

Мамлакатимиз терма жамоаси Малайзияда ўтказилган «Мердека кал», яъни мустақиллик кубоги учрашувларидан қайти.

Бўлиб ўтган ҳал қилувчи учрашуда футболнчиларимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олиши, — деди терма жамоа бози мурраббий Владимир Сальков “Туркистон-пресс” мухбира. — Бу шогирдларимиз кўрикан ўтказиш учун имкон эди. Улар ичида кўнглимни тўлдирмагандар ҳам, мен ўлагандан кўра маҳоратларни ҳам бор.

В.Сальковнинг таъкидлашича, ушбу ҳал қилувчи учрашувда футболнчиларимиз Европанинг Босния ва Герцеговина терма жамоасига қарши майдонга чиқиб, улар устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониши. Ғалаба футболнчиларимизга мўмайгина даромад ҳам олиб келди, улар 50 минг АҚШ долларига ҳам эга бўлиши. Футболнчиларимиз иштироқни Таиланд терма жамоасига қарши ўтказиб, ғалаба нашидасини суришган бўлса, иккинчи учрашувда Малайзия

Олимпия терма жамоасидан устун келишди.

Учинчи учрашувда ҳам омад футболнчиларимизга кулиб бўкли. Ярим финалга муддатидан олдин чиқиб ултурган терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич учрашувларида иштирок этиш хукуқини қўлга киригтан Баҳрайн терма жамоаси билан учраши. Рақиб жиддий бўлишига қарамасдан, улар устидан ғалаба қозонишига муваффақ бўлиши ҳамда финалга йўл олиши.

Миллий терма жамоамиз 17 авгуустдан бошлаб жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич саралаш учрашувларида иштироқ этиши. Бу учрашув қарийд иккى ой давом этади. Бунда анча қишини бўлиши турган гап.

Ўзбекистон футбол федерацияси олдиндан режалаштирган

Италия ёки Испания сафари эса

хозирча номаълум. Нима бўлганда ҳам, терма жамоамиз

футболнчилари ҳалқаро турнирда

муваффақиятли иштирок

етиб, ишончи оқлади.

“Туркистон-пресс”

Республика олимпия ўринbosарлари билим юртининг бу йилги қалдирғочлари ҳам катта ҳаётга йўл олди. Шу пайтагача ушбу мусассаса битирувчилари орасидан кўплаб Жаҳон ва Осиё чемпионлари, ҳалқаро мусобақалар голиблари етишиб чиқкан. Ўзининг кирқ йиллик юбилейи аран-

### ТҮЙ ОЛДИДАН ТАНТАНА

фасида маҳоратли спортчилар тайёрлаб келаётган билим юртининг бу йилги битирувчиларининг хайрлашув кечаси катта тантана айланниб кетди.

Маросимни билим даргоҳи директори Ш.Тўлаганов 65 нафар битирувчини табриклаш билан очди. Тантанада сўзга чиқкан Тошкент вилояти спорт кўмитаси раиси Б.Фофуров, Сибир жисмоний тарбия академияси профессори А.Горбунов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси боз мутахассиси С.Валиевлар ўзбек спортининг бўлгуси юлдузларига юксак ишонч билдирилар.

Сабоҳат ПАРМОНОВА

### “ПАРМА” ТИКЛАНИБ ОЛМОҚЧИ

Италиянинг “Парма” клуби Голландия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Б.Зенденни ўз жамоасига чорлаб, музобақалар олиб бормоқда. Испаниянинг “Депортиво”, Англияни

“Ньюкасл” ва Франциянинг “Лион” клубларидан жиддий таклифларни олаётган бу футболчи “Барселона” заҳирасида ўзини ортиқ ушлаб турмоқчи эмас.

Ўтган йилги Уимблдон турнири голиби Винус Уильямс тез кунларда катта теннис билан хайрлашиши мумкин. Ўнинг отаси тележурналистларга берган интервьюсида таъкидлади, қизи кейинги пайтларда ўзининг бизнес-режалари билан кўпроқ қизиқиб қолган. Гарчи кортларда улкан муваффақиятлар кучиши мумкин бўлса-да, Уильямс хоним ҳаётини теннис биланги-

## ВАТАНДОШИМИЗ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

АҚШнинг Феникс шахрида фаҳрийлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ниҳоясига етиди. Ушбу чемпионатда иштирок этган ўзбекистонлик Фарҳод Оғаев чемпион унвонига сазовор бўлди.


Финалгача бўлган беллашувларда ҳамюртимиз тўрт нафар дзюдочини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга кирити. Спорт фаҳрийи ўз ғалабасини Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишилди.

(ЎЗА)

Спорт инсонни нафақат машҳур ёки бой-бадавлат қиласи, балки уни эзгулик руҳида ҳам тарбиялади. Мен спортнинг қайсиидир тури билан мунтазам шуғулланадиган болалар билан спорт тўгаракларига қатнамайдиган ўқувчиларни кўп бора кузатганман. Спорти болаларда бўладиган босиқлик, мулоҳаза билан иш юритиш бошқа болаларга қарагандা анча яхшироқ бўлади.

Суҳбатдошим Сардор (суратда) ҳам ана шундай “инدامас”, “ичимдагини топ” дейдиганлар тоифасидан экан. Менга бир оғиз гап гапиргандан кўра, бирор машқни ўрганиш осонроқ, дейди у.

Сардор Ҳайдаров пойтахт-



тури ҳисобланади. Чунки бу каратэ, ушунинг бъязи жиҳатларини бир-бирига қўшиш натижасида ҳосил бўлган. Беш ёшдалигимда тоғам мени мана шу тўғаракка олиб келганлар ва ҳозиргача устозим Мирзоҳид ака Миржалиловдан таэквондинг сирларини қунт билан ўрганипман.

— Қандай ҳалқаро мусобақаларда қатнашгансиз?

— Ёшлар ўртасидаги ҳалқаро мусобақаларнинг бир нечтасида қатнашганди. Киев, Жамбул, Олмаса, Москва шаҳарларида бўлган мусобақаларда 1-2-3- ўринларни олишига эришганди. Ўзбекистон чемпиони бўлганман.

— Келажакда ким

### «ҲАЁТИМНИ ТЕННИС БИЛАН ЎТКАЗМАЙМАН»

на ўтказиб юбормоқи эмас. Колаверса, унинг Reebok компанияси билан тузган 40 миллион долларлик шартномаси қисқариши кутилмоқда...

Эслатиб ўтамиз, кече 21 ёшли теннисчи Уимблдон кортларида Линдсей Девенпортга қарши ярим финал учрашувини ўтказиши керак эди. Синглиси Серена Уильямс эса, Каприатти устидан ғалаба қозонаётган пайтада мазаси кочиб, ўйинни бой берди. Шифокорлар “ошқозон яллиғланиши” ташисини кўйгач, у АҚШга жўнаб кетди.

Шоира ШАРИПОВА

## КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Венгрия пойтахти Будапештда эркаклар ва аёллар ўртасида навбатдаги китъя чемпионати якунланди. Эркаклар ўртасида Сидней Олимпиадаси чемпиони — Россия терма жамоаси медалларгача етиб бора олмади — 5-ўрин. Аёллар ва эркаклар бахсида россияликларни мағлуб этган Венгрия сўнг учинчи ўринни эгалладилар.

Р.СОЛИЕВ

## МУҲАММАДҚОДИР АБДУЛЛАЕВГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

нинг 17-максус инглиз тилига ихтисослашган мактабда ўқииди. Бу йил у 7-синфа кўчди. Мактабда айло ўқиши билан бирга, ЖАР спорт-комплексида очилган “Жун Ри До” таэквандо тўгарагига қатнашади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Ёш бўлишига қарамай, анча яхши муваффақиятларга эришган. — Сардор, ушбу спорт ту-

рида ғалаба қозониш учун кўпроқ нима керак?

— Энг биринчи навбатда ақл керак бўлади, кейин куч. Негаки, ушбу спорт турида айёрлик ишлатилмаса, вазиятни тўғри баҳолай олмасангиз, енгилишнгиз мумкин.

— Нега айнан таэквандо билан шуғулланасиз, ўзбек кураши бор, самбо, ушу, каратэ?..

— Таэквандо энг ёш спорт

бўлмоқчисиз?

— Келажакда ёшларга таэквандо сирларини ўргатадиган тренер бўлмоқчиман. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаевга ҳавас қиламан. Уларнинг изидан бориб, Ўзбекистонни дунёга танитадиган спортчилар етишириб бермоқчиман.

Ш.МАДРАХИМОВА  
сұхбатлашды.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети раҳбарияти, журналистика факультети жамоаси “Миллий Университет” газетасининг бош мухаррири

Уғилой ФОФУРОВАнинг бевақт вафоти муносабати билан мархумнинг оила азольари ҳамда яқинларига чукур таъзия изҳор этади.

Таъзим ва фан ходимлари касаба уошмаси Тошкент шаҳар кўмитаси Миробод тумани таъзим ва фан ходимлари касаба уошмаси кўмитаси раиси Назира ЖУРАЕВНАга падари бузруквори

ЖУРА ота САЙФУДДИНОВинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қиласи.

